КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 247 (5851).

17 ДЕКАБРЬ ЖУМА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

МЎЛ ҲОСИЛ УЧУН

ОНА ер қиш уйқусида. Навбатдаги ҳосилга куч йиғяпти, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозда бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Свердлов номли, «Северний маяк», «Ленин йўли», Охунбобоев номли колхозларда кузги шудгорлаш эрта тугалланди.

Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашлари съездлар йилида она-Ватан хирмонига 4880 тонна «оқ олтин» етказиб бериб, йиллик планларини 123,6 процент адо этдилар. Бектўргон Абдулхайиров ва Маҳкам Туробқулов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳар гектар майдондан 38,5—40 центнердан хирмон кўтарилди.

— Кузги шудгорда ҳосият кўп,— дейди колхоз раиси, республикада хизмат кўрсатган механизатор Мирзиз Рўзиматов,— Агар ер ағротехника қоидалари асосида сифатли шудгорланса, мўл ҳосил учун дастлабки замин яратилди, деб ҳисоблаш мумкин.

Дарҳақиқат, шундай. Хўжаликда колхоз правленияси, партия комитети ва халқ контроли группасининг кенгайтирилган қўшма мажлиси ўтказилди. Кундалик нормани ортқириб бажарган ва юқори сифатга эришган механизаторларнинг иш ҳақига қўшимча устама мукофот беришга қарор қилинди. Айниқса Ўрол Жиянқулов, Эркин Маҳмудов ва Неъмат Насимовлар бу ишда бошқаларга ўрнак бўлдилар.

Маҳаллий ва минерал ўғит ернинг хамиртуруши ҳисобланади. Шу мақсадда хўжаликда барча экин майдонига шудгордан олдин ўғит солинди. «НР-4» аппарати ёрдамида ҳар гектар ерга 300—350 килограммдан суперфосфат сепилди.

Бундан ташқари колхозда ерга алмашлаб ғўнг солиш жорий этилган. Бу йил шу мақсадда 130—150 гектар майдонга 10—15 тоннадан маҳаллий ўғит солиб қўйилди.

А. ФОЗИЛОВ.



«Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга республикамиздагина эмас, балки чет элларда ҳам талаб катта. Бу ерда «зангори кема»лар ва бошқа агрегатлар ишлаб чиқарилади. Завод меҳнат аҳли ҳар йили дала меҳнаткашларига 8,5 мингдан зиёд пахта териш машиналари етказиб берадилар. Суратларда (юқорида) пешқадам бригада бошлиғи В. Назадзе (чапдан иккинчи) ва заводнинг йиғиш цехини кўриб турибсиз.

А. Авазов ва Р. Шагаев фотолари. (ЎзТАГ).



АМЕРИКА КОММУНИСТЛАРИНИНГ ҚУТЛОВЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 16 декабрь (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг юбилейи муносабати билан бу ерда тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишни АҚШ Коммунистик партияси уюштирди. АҚШ Компартиясининг Бош секретари Гэс Холл Л. И. Брежневнинг коммунизм йўлидаги кўп қиррали, толмас фаолияти, ялпи тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, халқлар озодлиги ва мустақиллиги ишига қўшаётган жуда катта ҳиссаси тўғрисида доклад қилди.

Йиғилишда Л. И. Брежневга йўлланадиган табрикнома ўқиб эшиттирилди. Бу табрикнома АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг кенгайтирилган ялпи мажлисида қабул қилинган.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

ХАНОЙ, 16 декабрь (ТАСС). Бугун совет делегациясининг қароргоҳида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бошчилигида ВМП IV съездида иштирок этаётган КПСС делегацияси билан ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари, Лаос Халқ Демократик Республикасининг Бош министри Кейсон Фомвиҳан бошчилигидаги Лаос Халқ революцион партияси делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

КПСС билан ЛХРП, СССР билан ЛХДР ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалалари юзасидан, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи бошқа масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Учрашув қардошларча дўстлик ва самимият вазиятида ўтди.

ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

ХАНОЙ, 16 декабрь (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов бугун Ханойдан Москвага жўнаб кетди. У Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг IV съездида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясига бошчилик қилди.

КПСС делегациясининг аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. В. Русаков М. А. Суслов билан бирга жўнаб кетишди.

Аэродромда Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни ВМП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан, ВМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР Миллат Мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь, ВМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ле Тхань Нги, ВМП Марказий Комитетининг секретари Суан Тхюи, ВМП Марказий Комитети аъзолигига кандидат, ВСРнинг СССРдаги элчиси Нгуен Хиу Кхиеу кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида КПСС делегацияси составига кирган КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР нинг ВСРдаги элчиси Б. Н. Чаплин бор эдилар.

КАСБИГА ИХЛОСМАНДЛАР

ОЙША опани қишлоқ мактабига чақириб қолишди. 10-синфни тамомловчилар билан учрашув бор экан. Таклиф қилинганлар ўз касблари, кўп йиллик меҳнат фаолиятлари ҳақида сўзлаш билан бирга, касб танлаш борасида ёшларга қимматли маслаҳатлар беришди.

Навбат Ойша опага келди.

— Мен ҳам, — деди у — ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган кексалар маслаҳати билан аввало меҳнатга ҳавас қўйдим. Мактабни битирганимдан сўнг колхозимиз фермасига келдим. Раъйимни қайтаришмади. Тажрибали согувчилар қўл остиларига олишиб, ўзлари билганларини менга ҳам ўргатишди. Улар билан ҳар куни эрта тонгда фермага келаман. Кеч қайтаман. Сигирларнинг ем-хашагидан, сувидан хабар олиш, таглари тозалаш, хатто сут солинадиган битонларни ювишгача бўлган барча юмушларни бажаришни эринмасдан ўргандим. Шундан сўнг 16 бош яхши зотли сигир ажратиб беришди. Ўша кундан бошлаб масъулиятим ошди, меҳнатга муносабатим тубдан ўзгарди. Устозларим кўмагида согин сигирлар маҳсулдорлигини ошириш, кўп ва соғлом бузоқ олиш йўлларини ўргандим. Шунга ҳам мана 20 йил бўлибди...

Опанинг сўзини Латофатхон бўлди.

— Мен сиз ҳақингизда кўп эшитганман. Уша пайтларда мактабни битирсам, сут согувчи бўламан, деб юрардим. Синфдошларимнинг бири врач, бири ўқитувчи, яна бири механизатор бўлмоқчи. Мен эса ўша ниятимдан қайтганим йўқ. Сафларингизда ишлашни истайман.

Латофатхоннинг бу сўзлари опани қувонтириб юборди.

— Фермамизда, — деди Ойша опа, — сизлар учун иш топилади, келаверинглар. У ерда сиз ёшларнинг баракали ишлашингиз, дам олишингиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Овқатланиш, дам олиб, ҳордиқ чиқариш хоналари мавжуд. Қизил бурчагимиз чиройли безатилган.

Ойша опанинг сўзлари ёшлар қалбига чўғ ташлади. Колхозда қолиб ишлаш истагини билдирган ёшлар кўпайди.

Латофатхоннинг бу сўзлаустидан чиқди. Ҳозир унинг боқимида 20 бош сигир бор. Ҳаммаси наслдор, серсут. Йилига 3 минг 200 килограммдан сут бераяпти.

— Мен, — дейди Латофатхон, — ҳар бир сигирнинг иштаҳасига қараб озиқлантиришга ҳаракат қиляпман. Шу йўл билан уларнинг сут беришини яна кўпайтираман. 52 тонна сут топшириш сўз берганман. Бу пландагига нисбатан 7 тонна ортиқдир. Қиш кунлари ҳам ёз ойларидек сут топшириб, йиллик планимни аллақачонок бажариб қўйганман.

Чиноз районидаги Киров номли колхозда ўз касбининг моҳир усталари бўлиб етишаётган бундай ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ўзаро мусобақани қизғин авж олдиришган. Сут согувчи, молбоқар ва бўрдоқибоқарлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлашмоқда. Ўтган йилдагига нисбатан анча кўп чорва маҳсулотлари етиштирилди. Давлатга пландаги 30 тонна ўрнига 31 тонадан зиёд гўшт сотилди. 316 тонна сут топшириш юзасидан белгиланган план ҳам муддатидан илгари ортиги билан бажарилди. Бунда Ойша Абдуҳолиқова, Латофатхон Шералиева, Тиллохон Абдуҳолиқова сингари сут согувчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Чорвадорлар қишловга ҳам пухта ҳозирлик кўришди. Молхоналар ремонт қилинган. Озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида мўлжалдагидан анча кўп дагал хашак жамгарилди. Сенаж бостириш, силос тайёрлаш планлари ҳам ошириб бажарилди.

М. ҒОЗИЕВ,
А. ОРИПОВ.

ЭНГ ЯХШИ БРИГАДИР

Лябиб Мирсаитов «СССР кўмир саноати экскаваторчиларининг энг яхши бригадири» деган шарафли ном эгаси. Коммунист Л. Мирсаитов «Ангрен» кўмир разрезида 20 йилдан буён меҳнат қилиб келмоқда. Ҳозирги кунда бу моҳир экскаваторчи бошчилик қилаётган бригада аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада олдинги safda боришмоқда. Йил бошидан буён бригада аъзолари 100 минг кубометрдан ортиқ «қора олтин» қазиб олдилар.

А. РАЗЗОҚОВ.

БУЮК ДЎСТЛИК, МАҚСАДЛАРНИНГ БИРЛИГИ

ХАНОЙ, 16 декабрь (ТАСС). Бирлашган Социалистик Вьетнамнинг ишчилар синфи, бутун халқи шу кунларда Вьетнам Меҳнаткашлар партиясининг Ханойда ўтаётган IV съездига ўзларининг меҳнатдаги ғайратшижоати, ижодий кучларини бағишламоқдалар. План топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган мусобақада машҳур Ханой механика заводининг коллективи пешқадамлик қилмоқда.

Вьетнам индустриясининг байроқдори бўлган шу корхона ишчилари, инженерлари ва техниклари ВМП IV съездига келган КПСС делегацияси аъзоларини қардошларча самимий кутиб олдилар. Бош корпусда Вьетнам — Совет дўстлигига бағишланган кўп кишилик митинг бўлди.

Партком секретари Ле Динь Хиен ва корхона директори Чионг Ба Лан меҳмонларни табриклаб, партия иши —бутун халқнинг иши эканлигини таъкидлади. Улар ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги қуролли кураш йилларида ҳам, шунингдек бутун мамлакат буюк социалистик ўзгартишларга киришган ҳозирги пайтда ҳам Вьетнам халқига жуда катта ёрдам ва мадад берганликлари ва бераётганликлари учун КПССга, совет кишиларига қизғин миннатдорчилик изҳор этдилар.

Митинг аҳли самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

КПСС делегацияси, деди у, совет коммунистлари, барча совет кишилари номидан сизларга ва сизлар орқали Вьетнамнинг бутун ишчилар синфига, мамлакатингизнинг барча меҳнаткашларига чуқур интернационал бирдамлик ва жанговар қардошлик туйғуларини изҳор этади.

(Давоми 2-бетда).

КЎРКАМ БИНОЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли проспект йил сайин ободонлашиб бормоқда, унинг икки ёнида қўплаб ҳашаматли бинолар қад кўтаряпти. СССР халқлари дўстлиги музейи қаршисида кўкка бўй чўзаётган 9 қаватли муҳташам бино шуларнинг биридир. Унинг ташқи томони чиройли ўймакорлик нақшлари билан безатилган. Бинони Тошкент уйсозлик комбинатининг 3-қурилиш бошқармаси коллективи барпо этмоқда. Ўзаро мусобақа асосида ишлаётган бинокорлар орасида Л. Трушин бошлиқ бригада аъзолари пешқадам. Улар кундалик иш нормаларини бир ярим-икки ҳисса қилиб бажаряптилар. Шу проспектда 112 квартирали бинода монтаж ишлари ниҳоясига етиш арафасида турибди. Мазкур объектларда А. Костенко, Б. Орипов, М. Сарднев сингари моҳир қурувчилар меҳнатда ҳаммага ўрнак бўлишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

ЧОРВАЧИЛИК САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ ВОЛКОВ НОМЛИ СОВХОЗ КОЛЛЕКТИВИНИНГ ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН БЕЛГИЛАГАН

ТАДБИРЛАРИ

Совхоз коллективи КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб, беш йилликнинг биринчи йили топшириғини барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари бажаришга эришди. Чорвачилик хўжаликдаги етакчи тармоқлардан ҳисобланади. Совхозда 1200 бош сигирга мўлжалланган иккита сут комплекси фойдаланишга топширилди. Биз бу йил 1510 тонна сут, 216 тонна гўшт етиштириш мажбуриятини олган эдик. Ҳозиргача пландаги 1080 тонна ўрнига 1400 тонна сут, 69 тонна ўрнига 190 тонна гўшт топширилди. Қорамолларнинг ўртача оғирлиги 480 килограммга етди. Ҳар бош согин сигирдан олинадиган сут йил охиригача 3150 килограммга етказилади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 40 килограммдан ортиқ. Қорамоллар сони 400 бошга, шу жумладан сигирлар 92 бошга кўпайди. 1975 йилга қараганда 183 бош бузоқ кўп олинди.

КПСС Марказий Комитети октябрь (1976 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ана шу Пленумда сўзлаган нутқида қишлоқ меҳнаткашлари муваффақиятига берилган юксак баҳо совхоз ишчиларини янги меҳнат марраларига руҳлантириб юборди. Улар партия XXV съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун янада астойдил меҳнат қилишни давом эттирмоқдалар.

Совхоз коллективи КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларига жавобан чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш бўйича оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Мустаҳкам озуқа базаси — қишловни муваффақиятли ўтказишнинг асосидир. Бу йил хўжалигимиз деҳқонлари 1658 тонна хашак, 3010 тонна сенаж, минг тонна илдиз мева, 4 минг тонна силос ва бошқа қўплаб миқдорда озуқа тайёрладилар. Булар ферма эҳтиёжини тўла қондира олади. Мутахассислар иштирокида қиш мавсумида ҳар ой ва ҳар куни ем сарфлашнинг аниқ режалари ишлаб чиқилди. Молларга ем-хашак қатъий рацион бўйича берилади. Ем-хашак майдаланиб, буғланиб, тайёрланадиган цех ишлаб туради. Бу ерда барча иш жараёнлари механизациялаштирилган. Механизация туфайли тайёрланаётган емларнинг сифати анча яхшиланди. Уларни моллар иштаҳа билан емоқда. Молбоқарларнинг меҳнатини енгиллаштириш мақсадида комплексга иккита «КУФ» трактори, 2 та «ПУ—0,5» юклагич механизми трактори билан ҳамда 2 та ем-хашак тақсимлайдиган трактор биркитиб берилди. Шунингдек, 2 та барда ташийдиган машина ажратилган. Ҳар куни етти тонна барда келтириб турилибди. Махсус механизациялаштирилган бригада тузилган ва унга 5 та трактор, молхоналардаги чиқиндиларни тозалаб, чиқариб турадиган юклагич механизмлари биркитилган. Хоналар транспортер ва пневматик механизмлар ёрдамида тозалаб турилади.

Сут комплексини зотли сигирлар билан тўлдириб туриш мақсадида ёш бузоқлар ўстираладиган 2 та бригада ташкил этилган. Ҳозир фермада 700 бошдан ортиқ бузоқ боқилмоқда. Шунингдек 3 минг бош ёш бузоқларни боқиб ўстиришга мўлжалланган комплекс қурилиши бошлаб юборилди. Бу — хўжаликнинг асосий подасини юқори маҳсулли моллар билан тўлдириб бориш, шунингдек, бошқа хўжаликларга ҳам зотли моллар етказиб бериш имкониятини беради. Комплексда 2 та сунъий урчитиш пункти мавжуд. Бу пунктлар замонавий техника ва малакали мутахассислар билан таъминланган.

Биз қиш мавсумида, яъни 1976 йил 1 ноябрдан 1977 йил 1 майига қадар ҳар бош согин сигирдан 1600 килограммдан сут согиб олиш мажбуриятини қабул қилдик. Қишлов охирига бориб, давлатга сут сотиш тўққиз ойлик планини бажаришга аҳд қилдик. Гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача оғирлигини 500 килограммга етказамиз.

Келгуси йили биз давлатга пландаги 1154 тонна ўрнига 1460 тонна, 121 тонна ўрнига 160 тонна гўшт топширамиз. Ўнинчи беш йиллика жами бўлиб 8762 тонна сут етиштирамиз. Бу тўққизинчи беш йилликдагига нисбатан 5602 тонна кўп демакдир. Ўнинчи беш йиллика 1140 тонна, яъни тўқкизинчи беш йилликдагига нисбатан 570 тонна кўп гўшт етиштирилади.

Ҳатира Вилданова, Мейиз Изтаева, Зинанда Двоеглазова, Тожихол Қосимбекова ва бошқа илгор сут согувчилар зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олдилар. Улар қишлов даврида биркитилган сигирларнинг ҳар биридан 1800—2000 литрдан сут согиб олишга аҳд қилдилар. Чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш, механизмлардан яхши ва унумли фойдаланиш ҳамда ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулот таннархини камайтириш муҳим вазифадир. Бу йил совхоз чорвачиликдан кам деганда 110 минг сўм даромад олади. Келаси йили чорвачилик рентабеллигини 5 процентга кўтарамиз.

Ўнинчи беш йиллик — сифат ва самарадорлик беш йиллиги. Совхозда чорва маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун барча тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йил 800 бош сигир боқиладиган сут комплексида 4 та сут согиш зали қурилди. Бу заллар «Тандем» усулида ишлайди. Улар сигир согадиган замонавий техника, сут совутилиб, сифатли сақланадиган ускуналар билан жиҳозланган. Барча цехларда иссиқ ва совуқ сув бор. Комплекс сути фақат биринчи сортга қабул қилинмоқда.

Комплексда ҳар бир сут согувчига 182 тадан сигир биркитилган. Бу сут таннархини камайтиришда катта самара бермоқда.

Совхоз партия комитети маъмурият билан биргаликда мукофотлашнинг шартларини ишлаб чиқиб, тасдиқдан ўтказди. Социалистик мусобақада энг юқори кўрсаткичга эришган ходимлар қуйидаги тартибда мукофотланадилар:

Ҳар ўн кунлик якунига мувофиқ сут согувчи ва операторлар, агар улар сут согиб олиш топширигини бажаришни таъминлаган бўлсалар ҳамда сутнинг мойлилик даражаси кам деганда 3,7 процентни ташкил этса, пул мукофоти билан тақдирланадилар. Бу мукофот «Энг яхши согувчи», «Энг яхши оператор» вимпеллари билан биргаликда берилади.

Ойлик якунига мувофиқ бригадалар, агар белгиланган сут согиб олиш топширигини бажаришни таъмин этсалар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Ёш моллар ва бўрдоқига қўйилган чорвани боқиш билан машғул бўладиган операторлар: бир ой давомида бузоқларни бир кеча-кундузда 700 граммдан ўсишини таъмин этсалар, шунингдек, сутдан ажратилган бузоқларни бир ёшгача бўлган давр ичида 650 граммдан катта ёшдаги бузоқларни эса 550 граммдан семиртирсалар пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Умуман бригадада мавжуд молларни бир кеча-кундузда ўртача 650 граммдан ва ундан ошириб семиришини таъмин этилса, қимматбаҳо совға билан мукофотланади. Бундан ташқари йил якунига мувофиқ комплекс ишчилари пландан ташқари топширилган маҳсулот учун унинг қиймати ҳисобидан 20 процент миқдорида мукофот оладилар. Планга нисбатан маҳсулот бирлигига кетадиган харажатларини иқтисод қилганлиги учун ана шу иқтисод суммасининг 40 процентги миқдорида мукофотланадилар.

Совхознинг марказий усадьбасида қолиблар шарафига меҳнат шуҳрати байроғи кўтарилади.

Қиш мавсумида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан ферма ходимлари ўртасида социалистик мусобақа оммавий тус олдирилади, мусобақа натижаларининг ошкоралиги таъмин этилади, белгиланган тадбирларнинг бекаму-кўст амалга оширилиши ҳеч шубҳасиз, беш йилликнинг иккинчи йилида гўшт, сут етиштиришни ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан зиммага олинган топширикни муддатидан илгари бажариш, чорвачиликнинг рентабеллилик даражасини ошириш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш имкониятини беради.

(Бу тадбир совхоз ишчиларининг умумий йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилди).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

БУХОРО, 16 декабрь. (ЎзТАГ). Бугун Бухоро область партия комитетининг пленуми бўлди. Пленум иштирокчилари КПСС XXV съезди қарорлари асосида область совхозларида қўйчиликни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисидаги масалани мухокама қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қурбонов пленумда нутқ сўзлади.

„ДЗЕРЖИНКА"НИНГ ИШЧИЛАР ФАКУЛЬТЕТИ



ДНЕПРОПЕТРОВСК области. Суратда: М. И. Арсеничев номли Днепродзержинск индустриал институтининг бинои Л. И. Брежнев бу ерда ўқиган эди.

Бу прокат станида шунга ўхшаш исталган агрегатда кўриш мумкин бўлган ҳамма нарса бор: загатовкани ситадиган печ ҳам, рольгангларнинг линияси ҳам, ниш клети ҳам бор. Шу билан бирга бу прокат стани ўзига хос ягона стандир. Дзержинский номли Днепр металлургия заводининг прокатчилари валькаларнинг ўзига хос конструкцияси туфайли ўничи беш йиллигининг тўнғичи бўлган мана шу станда деярли тап-тайёр маҳсулотни — темир йўл вагонлари ва локомотивларнинг ўқини тайёрлаб чиқармоқдалар. Барпо этилган дастлабки кунданоқ ўзига хос ўқув комбинати бўлиб қолган машҳур «Дзержинка» Днепродзержинский саноат институтининг олимлари, ўқитувчилари ва мутахассислари мўъжизали станни ўзлаштиришда, бу станда ишлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаб беришда фаол иштирок этдилар.

1920 йилда корхонанинг ҳувиллаб ётган идорасида кечқурунги политехникум очилди. Бу ерга заводнинг энг яхши ишчилари ва актив комсомоллари юборилди. Уларнинг ёши анча ўтиб қолган. Улар шогирдлик ёшида эмас эди. Лекин гражданлар уруши оловоташларида тобланган ҳаётнинг ўзи, пролетарлик виждони бу кишиларни студентлик курсисида ўтиришга даъват этди. Бундан ярим аср муқаддам битириб чиқувчиларнинг энг яхшиларидан ўн киши имтихон комиссиясининг раиси, заводнинг бош инженери Иван Павлович Бардин (СССР Фанлар Академиясининг бўлғуси вице президентининг қўлидан мамлакатдаги дастлабки металлургия ўқув юртларидан бири бўлган ишчилар техникумини тамомлаб чиққанликлари тўғрисидаги гувоҳномани олишди.

Еш инженер металлургларнинг мактабни битириб чиқиши бошқа бир ажойиб воқеага — вайронгарчиликлардан кейин Днепропетровск металлургия заводининг тўла-тўкис қайта тикланишига ва бу корхонага Ленининг сафдоши — Ф. Э. Дзержинскийнинг номи берилишига тўғри келиб қолди. Техникумни биринчи марта тамомлаб чиққан диплом эгалари худди мана шу жойга, ўзлари илгари ишлаган ерга келишди. Улар кекса мутахассисларнинг ўрнини босиб, раҳбарлик лавозимларига кўтарилди.

1930 йилда ишчилар техникуми кечки металлургия институтига айлантирилди.

Таълимнинг ишлаб чиқариш билан яқиндан алоқаси, шаҳар ва мамлакатнинг ранг-баранг ҳаёти ишлаб чиқаришда ишловчи инженерларни тайёрлаш учун, шу билан бирга техникавий снёсий ва иқтисодий билими кенг кишиларни тайёрлаш учун шароит яратиб берди. Олий ўқув юртини битирив чиққан кишилар орасидан бир қанча кўзга кўринган партия ва давлат арбоблари, ишлаб чиқаришнинг каттакатта командирлари етишиб чиқди.

Ташаббускорлар томонидан барпо этилган олий ўқув юрти халқ музейининг кўпдан-кўп экспонатлари мана шуларнинг ҳаммаси тўғрисида ёрқин ва кишини ишонтирадиган тарзда ҳикоя қилиб беради. Ана шу олий ўқув юртини битириб чиққан, уруш ва меҳнат қаҳрамони, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежнева катта бўлим бағишланган. Бу ерда 1935 йилда «Знамя Дзержинки» кўп нусхали газетаси, унда ёш коммунист Леонид Брежнев тўғрисида босилган «Унинг номи Большевик» сарлавҳали мақола намойиш қилиб кўрсатилмоқда. Ёш коммунист Леонид Брежнев меҳнатда, ижтимоий фаолиятда пешқадам эди. Ҳужжатлар унинг «Ф. Э. Дзержинский номли завод шароитида домна газини электростатик тозалаш лойиҳаси» мавзуидаги диплом ишига юксак баҳо берилганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. Стендларга 1932 йилда институт партия активининг мажлисида ўртоқ Л. И. Брежнев тасвирланган фотосуратлар, Леонид Ильичнинг қадрдон институтга, отаси ишлаган «Дзержинка»нинг темир прокат цехига келганлигини тасвирловчи фотосуратлар қўйилган.

Музей материаллари институтни битириб чиққан бошқа кишилар — СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари И. Т. Новиков, генерал-полковник К. С. Грушевой, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — домна цехининг смена бошлиғи И. А. Чернецкий, Украинада биринчи коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари В. Ф. Пильтай ва бошқа кўпгина кишилар тўғрисида ҳикоя қилади.

Днепродзержинск индустриал институтининг ҳозирги шогирдлари студентларнинг кекса авлоди сингари ҳозир ҳам тажрибали мутахассислар, партия қарорларини амалга оширадиган актив кишилар бўлиб етишиш учун интилмоқдалар.

Мисол учун Людмила Чернаяни олайлик. У бу йил институтни битириб чиқди. Людмила Ленин стипендияси эди. Завод район партия комитети ишчининг қизи бўлган Людмилага партия билети топширди. У аъло ўқишга, Тюмендаги қурилишларда зарбдорларча меҳнат қилишга улгурди. Л. Черная ҳозир район комсомол комитетининг секретари. Бу қиз ташаббускорликни, ғайрат билан меҳнат қилишни, билимларга чанқоқликни, фан сирларини энди ўрганиб келаётган кишиларга бермоқда. Бундай кишилар кўплаб топилади. Музейда таассуротлар изҳор этиладиган китобдаги ёзувлардан бири — худди ана шундан далолат беради: «Биз, биринчи курс студентлари музейни кўздан кечириб институтнинг ажойиб тарихи билан қизиқиб танишиб чиқдик. Партия ва давлатнинг улкан ва ҳормас-толмас арбоби Леонид Ильич Брежневнинг студентлик йиллари ҳақидаги ҳикоя бизни ғоят тўлқинлантирди. Биз бундан 45 йил муқаддам худди биздек ўқишин бошлаб ўзининг инженер металлурглик дипломини жуда яхши ёқлаган, эндиликда 70 ёшга тўлаётган азиз Леонид Ильич ўқиган институтда таълим олаётганлигимиз билан фахрланамиз. Ишонтириб айтамизки, ўзимизнинг бутун куч-қувватимиз ва маҳоратимизни оталаримиз ва ёши улуғ ўртоқларимизнинг қаҳрамонона анъаналарини муносиб давом эттиришга сарфлаймиз, партия билан халқ иши учун фаол қурашчилар бўламиз».

В. ЖУКОВСКИЙ,
ТАСС мухбири.
Днепропетровск области Днепродзержинск.

ДНЕПРОДЗЕРЖИНСК. Суратда: Л. И. Брежнев 1962 йилда Дзержинский номли Днепр металлургия заводининг темир прокати цехини бориб кўрди. Бу цехда унинг отаси И. Я. Брежнев ишлаган эди.

СУРАТДА — Шу институт КПСС тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси институт тарихи музейининг жамоатчи директори Н. И. Глазнова янги экспонатлар билан таништирмоқда. Л. И. Брежнев бу олий ўқув юртини 1935 йили тугаган эди.

ТАСС фотохроникасининг суратлари.

БУЮК ДЎСТЛИК, МАҚСАДЛАРНИНГ БИРЛИГИ

[Бошн 1-бетда].

Азиз дўстлар, биз сизларга партиямиз Марказий Комитети Бош секретари Леонид Ильич Брежневнинг қизғин дўстона саломини қувонч билан топширамиз. Леонид Ильич бирлашган, бақувват, гуллаб-яшнаётган социалистик Вьетнам бунёдкорлари бўлган сизларга ўзининг офарин туйғуларини, энг чуқур ҳурматини айтиб қўйишни алоҳида илтимос қилди.

Митинг қатнашчилари бу сўзларни гулдурос, давомли қарсаклар билан қутиб олдилар.

Биз, КПСС вакиллари, деди сўзини давом эттириб Ш. Р. Рашидов, шу кунларда сизлар билан бирга эканлигимиздан, Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг тарихий IV съезди ишида қатнашаётганимиздан хурсандмиз. Бу съезд қаҳрамон халқингизнинг ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги революцион курашн ўттиз йиллик босқичини якунлашмоқда, келажакнинг илҳомбахш режаларини белгиламоқда. Атоқли революционер ва интернационалист Хо Ши Мин барпо этиб, вояга етказган Вьетнам коммунистлари партияси ҳамиша шу курашнинг пешқадами бўлиб келди. Ҳозирги съездда қайта бирлашган катта мамлакатнинг энг муҳим проблемалари масъулият билан жиддий ва айни вақтда омилкорлик ва ишчанлик билан ҳал этилмоқда.

Партиянгиз ошкора ва тўпа-тўғри гапирмоқда: олдингизда муносиб ва бахтли келажак турибди, аммо унга фидокорона меҳнат қилиш, бутун халқнинг маънавий кучларини сарфлаш, катта-катта социал-иқтисодий проблемаларни дадил ҳал этиш, ўз қардошлари ва сафдошлари — социалистик мамлакатлар халқларининг тажрибаси ва мададидан моҳирона фойдаланиш йўли билангина эришиш мумкин.

Келгусида қилинадиган тарихий ишлардаги муваффақият Вьетнамнинг шонли ишчилар синфига ва унинг янги жамиятни барпо этишдаги содиқ иттифоқчиси — меҳнаткаш деҳқонларга, шунингдек зиёлиларга жуда кўп жиҳатдан боғлиқдир. Барча бунёдкорлик вазифаларини ҳал этиш, экономикани ривожлантириш эндиликда социализм учун кураш фронтидир. Бинобарин, биз, сизларнинг синфдош қардошларингиз, социализм учун курашдаги сафдошларингиз бўлган совет коммунистлари чин кўнгилдан айтамизки, янги ғалабалар, янги зафарлар сизларга ёр бўлсин, азиз вьетнамлик дўстлар!

Биз Вьетнам социалистик индустриясининг тўнғич корхонаси бўлган механика заводингиз коллективига социалистик ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Вьетнам халқи империализмга қарши шиддатли жангда ўз руҳининг улуғлигини — мақсадга эришиш йўлида мардлик, ғайрат ва матонат кўрсатиб, тарихий ғалаба қозонди. Озодлик ва социализм йўлидаги қаҳрамонона кураш жараёнида партия моҳият эътибори билан миллион-миллион янги кишиларни тарбиялаб етиштирди. Ишчилар ҳам, меҳнаткаш деҳқонлар ҳам, халқ зиёлилари ҳам шулар жумласига киради. Аммо уларнинг ҳаммасига, хос бўлган битта хусусият бор — уларнинг барчаси ватанпарвар ва интернационалистлардир, Маркс, Энгельс, Ленин улуғ ғояларини амалга ошириш учун эътиқодли курашчилардир. Бу — муваффақиятларингизнинг манбаидир, янги ғалабаларингизнинг мустаҳкам гаровидир.

Ишчилар синфи ҳар бир Коммунистик партиянинг сиёсатини ўтказишда унинг таянчи бўлади. Социалистик жамиятда ишчилар синфи раҳбар сиёсий роль ўйнайди. Унинг зиммасига энг илғор ишлаб чиқаришни барпо этиш ва ривожлантириш билан бирга масъулиятли тарихий вазифа — социалистик онглилик, юксак гражданлик интизоми, топширилган иш учун масъулият туйғусини кенг халқ оммасига сингдириш вазифаси юкланади. У, яъни ишчилар синфи кооперациялашган меҳнаткаш деҳқонлар билан, халқ зиёлилари билан, барча меҳнаткашлар билан тўла иноқ бўлиб, туб ижтимоий ўзгартишларни, янги дунё қурилишининг ташаббускори бўлиб майдонга чиқади.

Вьетнам ишчилар синфи мамлакатнинг ҳамма ютуқларига, унинг экономикасини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ишчилар синфининг ижтимоий ролини муттасил оширмоқда, ишчилар билан деҳқонларнинг бузилмас иттифоқини, уларнинг синфий қардошлиги ва ўзаро ёрдамини изчиллик билан ривожлантирмоқда. Бу иттифоқ — халқ ҳокимияти ва социалистик давлат мустаҳкамлигининг негизидир. Айни шу иттифоқгина бутун Вьетнам халқининг IV съезд қарорларини амала оширишни, бутун мамлакатда социализм негизларини барпо этишни, бутун жамият ва ҳар бир инсоннинг моддий ва маънавий ўсиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келишини таъминлайди. Биз, совет коммунистлари, бутун совет халқи Вьетнам меҳнаткашларига шу тарихий вазифаларни амалга оширишда муваффақият тилаймиз!

Социализм қуриш учун мустаҳкам тинчлик керак, деб таъкидлади Ш. Р. Рашидов. Халқларнинг озодлиги ва уларнинг ташқаридан ҳеч кимни аралаштирмай ўз тақдирини ўзи ҳал этиш, ўз миллий бойликларини ўзи тасарруф қилиш ҳуқуқларини таъминлаш учун империализм билан реакциянинг агрессияси ва бўйруқбозлигига йўл қўймайдиган шароитни вужудга келтириш, халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқлик, давлатларнинг суверенитетини ҳурматлаш, куч ишлатишдан воз кечиш, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларини қарор топтириш зарур.

Ғолиб социализмнинг биринчи мамлакати сал кам олтмиш йилдан бери — Ленининг сулҳ тўғрисидаги декрети ва Россия халқлари ҳуқуқларининг декларациясидан тортиб, бугунги кунгача шу мақсадларга эришиш учун изчиллик ва сабот билан курашиб келмоқда. Совет Иттифоқи — Улуғ социалистик давлатдир, аммо унинг халқаро майдондаги сиёсати катта ва кичик барча халқларнинг туб манфаатлари билан белгиланади ва шу манфаатларга мос келади.

Пролетар интернационализми принципларига муттасил амал қилиб келаётган СССР Вьетнамнинг Америка империализми ва унинг гумаштаси агрессиясига қарши қаҳрамонона курашига ёрдам ва мадад бериб келди, бошқа халқларнинг озодлик, социал ўзгартишлар учун, империализмга ва унинг малайларига қарши олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги ҳаракатларимиз ҳам шу билан белгиланиб келди ва белгиланмоқда, деб таъкидлади нотиқ.

Тинчлик ва кескинликни юмшатиш учун, урушга қарши курашда барча социалистик мамлакатларни, халқаро коммунистик ва ишчилар, миллий-озодлик ҳаракатини, ҳамма антиимпериалистик кучларни жипслаштириш барча халқларнинг туб манфаатларига, бутун инсоният тараққиёти манфаатларига мос бўлиб тушади. КПСС, бошқа қардош марксчи-ленинчи партиялар шу йўлда сабот билан изчил ҳаракат қилмоқдалар.

Атоқли интернационалист — революционер Хо Ши Мин Советлар мамлакати билан дўстликни нақадар юксак қадрлаганлигини, Октябрь революцияси тўғрисида, унинг жаҳонни ўзгартиришдаги роли ҳақида нақадар завқ-шавқ билан гапирганлигини унутмаймиз. КПСС делегациясининг ВМП IV съезди ишида иштирок этиши, бугунги учрашувимиз — дўстлигимизнинг, партияларимиз мақсадлари ва дунёқараши бирлигининг, халқларимиз коммунистик келажакка баб-баравар интилаётганлигининг далилларидан биридир.

Ш. Р. Рашидов совет халқига нисбатан иҳҳор этилган самимий қардошлик туйғулари учун, Коммунистик партиямиз шаънига айтилган самимий сўзлар учун миннатдорчилик изҳор этди. Сизларни ишонтириб айтамизки, дўстлигимизни, социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларидаги самарали ҳамкорлигимизни мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бутун кучимизни сарфлаймиз, деди у митинг қатнашчиларининг қарсаклари остида.

КПСС делегацияси В. И. Ленин портретини завод коллективига тортиқ қилди.

Митингда ВМП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ле Тхань Нги делегация билан бирга бўлди.

Митинг Вьетнам халқи билан совет халқи қардошлиги ва дўстлигининг умумхалқ намойишига айланди.

Б. ПЕТРОВ,
В. ПЕТРУНЯ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитети декабрь ойининг биринчи ўн кунлигида 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларнинг бажарилишини кўриб чиқиб, қарор қилдилар:

Ўзбекистон КП область комитети, область ижроия комитети, касаба союзлари область Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроғи **Ўрта Чирчиқ районига** (район партия комитетининг секретари **М. Э. Эгамбердиев**, район ижроия комитетининг раиси **А. Ш. Шосолиҳов** қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органлари ишчи-хизматчилари касаба союзлари район комитетининг раиси **В. Д. Пак**, район комсомол комитетининг секретари **М. Икромов**, район қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Т. М. Мирёқубов**, суғориш тармоқлари район бошқармасининг бошлиғи **А. Я. Арбузов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи **В. В. Пак** ўртоқлар) берилди. Бу район меҳнаткашлари 1977 йил ҳосили учун кузги-қишки ишларни амалга ошириш юксасидан ўн кунлик топшириқни бажаришда юксак кўрсаткичларга эришдилар.

Байроқ Бўка районидан олиб берилади.

Шунингдек, Бўка, Чиноз, Бекобод, Калинин районларида ҳам кузги-қишки ишларни бажаришда яхши натижаларга эришилаётганлиги қайд қилиб ўтилди.

Қуйи Чирчиқ, Тошкент, Оққўрғон, Оҳангарон, Юқори Чирчиқ районларида кузги-қишки ишларни бажаришда сусткашлиққа йўл қўйилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Область матбуот жамиятига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ўрта Чирчиқ районига битта енгил автомашина ажратиш топширилди.

П Л А Н БАЖАРИЛДИ

Оққўрғон пахта тозалаш заводининг коллективи улкан меҳнат зафарини қўлга киритди. Улар самарадорлик ва сифат беш йиллигининг дастлабки йилида фидокорона меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва сифатини яхшилаш бўйича қатор тадбирларни жорий этишди. Янги-янги машина ва механизмларнинг ўрнатилиши, илғор иш усулларидан қўлланиш, қолоқларсиз ишлаш ташаббусининг кенг авж олдирилиши кабилар муваффақиятлар гарови бўлмоқда. Пахта тозаловчилар 13 декабрда йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажарганликлари ҳақида рапорт беришди.

Йил бошидан бери жами 17520 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу 10808 тонна тола ва 1630 тонна линт демакдир. Маҳсулотларнинг 100 фоизи биринчи сортга топширилди. Корхона коллективи йил охиригача 700 тонна тола ва 180 тонна линт ишлаб чиқаришга аҳд қилди. Бу пландан ташқари 1350 минг сўмлик маҳсулот демакдир.

К. РОГАЧЕВ.

БОЗОР ВА ЯРМАРКАЛАР

ЯНГИ йил байрами кунлари Тошкент шаҳри янада гавжумлашади. Шаҳарликлар ва меҳмонлар, мактаб ўқувчилари, кичкинтойлар учун бозорчалар ва ярмаркалар ишлаб туради.

Ўқувчиларнинг қишки каникул кунларида 60 та павильон ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Бу павильонларда ота-онаҳар кичкинтой фарзандлари учун совғалар харид қилишлари мумкин. Ҳаммаси бўлиб эса олти ерда янги йил бозорлари очилади. Ленин номли майдон, Алишер Навоий номли театр майдони, турар-жой массивларн, маданият ва истироҳат боғларида ҳам шундай ярмаркалар ишлаб туради.

«ХАСКОВО» ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТЛИКЛАРДА Н «Хасково» қаерда? — деб сўрасангиз гарб томонга ишора қилишади:— Узоқ эмас, хов ана-ву ерлар.

Ҳақиқатда, «Хасково» Тошкентнинг шундоқ биқинида, айланма йўл ёқасида. Унинг кўркам боғлари, ҳосилдор экин майдонлари шаҳарга туташиб кетган.

...1973 йилнинг сўлим ёз оқшоми Назарбек қишлоғи аҳолисининг сира ёдидан чиқмайди. Совхознинг файзли боғи яна ҳам кўркамлашиб кетганди ўшанда. Бу ерга Болгария Халқ Республикасининг Хасково округидан азиз меҳмонлар таширф буюришганди. Ўшанда катта дўстлик митинги ўтказилиб, аҳоли истаги билан совет ва болгар халқлари ўртасидаги бузилмас қардошликнинг рамзи сифатида бу совхозга «Хасково» номи берилган эди.

Совхоз ишчилари 875 гектар майдонда деҳқончилик қиладилар. Хўжалик асосан сабзавот ва сутчиликка ихтисослашган.

Совхоз деҳқонлари бу йил — ўнинчи беш йиллиннинг биринчи йилида ҳар қачонгидан ҳам қувончли ютуқларни қўлга киритдилар. Деярли ҳамма соҳалар бўйича план ва мажбуриятлар ошириб адо этилди. Хўжалик 8 минг 280 тонна сабзавот тайёрлади. Бу пландагидан қариб минг тонна кўп. Совхоз етиштирган нознеъмат фақат тошкентликлар дастурхонинигина безаб қолмай, Совет Иттифоқининг узоқ шимолий районларига ҳам етказиб берилди. Ундан Магадан ва Камчатка аҳолиси, Байкал-Амур магистрали қурувчилари баҳраманд бўлдилар.

Айниқса, картошкадан мўл ҳосил олинди. Гектар бошига 141 центнерданга тўғри келди. Бу Калинин районн бўйича энг юқори кўрсаткич. Пландаги 325 ўринга 606 тонна мева тайёрланиб, бу соҳадаги топшириқ ҳам қариб 200 процент қилиб адо этилди. Ишчилар помидор ва карамдан катта даромад қилдилар.

Хасковоликларнинг бу ютуқлари совхоз аҳолисининг турмушини янада фаровон қилишга, катта социал-маданий тадбирларни амалга оширишга имкон беради.

Бундай тадбирлардан дастлабкилари ҳозирданоқ аҳолини беҳад мамнун эта бошлади. Хонадонлар газлаштирилиб, қишлоқ кўчаларига асфальт ётқизилди. Катта қурилишлар жадал олиб борилаяпти. Болалар боғчаси, ҳар бири тўрт оилага мўлжалланган икки қаватли коттеджлар қурилмоқда. Чорвачилик комплекси, икки гектар ердаги теплица қурилиши ниҳоясига етай деб қолди.

Давлатнинг катта ёрдами ва ишнинг кўзини билган мутахассис кадрларнинг кучғайрати билан совхоз илғор хўжаликлар қаторидан жой олмоқда. Турғун Носирович Бегматов совхознинг янги раҳбари. У хўжалик эҳтиёжларини ўрганиб, одамлар билан ишлашни яхши йўлга қўйди. Етиштирилган ҳосил пешма-пеш тайёрлов ташкилотларга юборилиб, вақтида реализация қилинишини таъминланди.

Т. Бегматов сингари партия ташкилотининг секретари Шарифжон Хўжаев ҳам қишлоқ хўжалиги фанлари кандидати. У Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тугатгач, илмий иш қилди. Ҳозир фанни практика билан муваффақиятли боғлаб олиб бориш намунасини кўрсатмоқда. Совхознинг 120 дан ортиқ коммунисти унинг раҳбарлигида КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини амалга ошириш борасида катта сиёсий-тарбиявий фаолият кўрсатмоқда.

Аркадий Артемьевич Хазадянни каттадан-кичик ҳамма ҳурмат қилади. Бу тажрибали мутахассис чорак асрдан буён агроном бўлиб ишлайди.

— Бир вақтлар унинг оти бўларди, — деб ҳикоя қилиб беришди бизга. — От Аркадий Артемьевичдан сира ажралмасди. Қаерга борса кетидан эргашар, сувга тушса, бирга сув кечар, экинзорга кирса эгатдан орқама-орқа юрарди. Хазадян отнинг тилини биларди.

Бош агроном экинларнинг тилини ҳам шундай билади. Сабзавотнинг нимаси кўп — тури, навлари. Қайси нав карам, бодринг, сабзи, помидор қандай ҳосил беради, қандай парвариш талаб қилади, зараркунандаларга бардоши қандай, буларнинг ҳаммасини деҳқонлар ундан сўрашади.

Совхознинг бош экономисти Тўлқин Ўлмасов шу қишлоқдан чиққан. У Тошкент Халқ хўжалик институтида ўқишни тугатиб, ўша ерда ишлар эди. Совхозга экономикани яхши биладиган кадр керак бўлиб қолганда институтдан уни сўратишди. Тўлқин ҳамқишлоқлари илтимосини ерда қолдирмай келди.

Совхоз кадрлари истиқбол режаларини тузиб, эртанги кун ҳаёти билан яшашмоқда. Келгусида агросаноат комплекси бунёд этиш, консерва заводи қуриш, совхоз ишчиларининг ҳамма оилалари учун янги обод уйлар қуриб бериш мўлжалланмоқда.

Хўжалик «Хасково» номига муносиб иш юритиш, жаҳонга машҳур сабзавотчилар — қардош болгарлардан орқада қолмасликка аҳд қилган. Бу ерда болгар дўстларнинг муваффақиятларини диққат билан кузатиб боришади. Уларнинг ҳар бир ютуғини эшитиб қувонишади.

Бу ерда Дўстлик хонаси бор. Хонадаги катта стенд «Болгария Халқ Республикаси қишлоқ хўжалигининг ютуқлари» деб аталади. Ўнда БХР да қишлоқларни социалистик тарзда қайта қуриш борасида қилинаётган улкан ишлар фотосуратларда тасвирланган. Дўстлар тажрибаси ёритилган. Софияда нашр қилинган китоблар қўйилган.

Стенд экспонатлари мунтазам бойиб бормоқда. Яқинда бу ерда меҳмон бўлган болгар дўстлар «Дмитровград» номли китобни ва мамлакатларимиз дўстлигининг қадимий тимсоли — Шипка қўриниши тасвирланган сувенирни ҳадя этишди.

Болгария ҳақидаги таассуротлар бу мамлакатга бориб келаётган совхоз ишчиларининг ҳиссиётлари билан ҳам бойиб бормоқда.

Яқинда Болгария сафаридан келган илғор пиллакор Момо Шодмонова дўстлар диёрида кўрганларини, унутилмас учрашувларни, меҳнаткаш болгар халқининг эркин ва озод ҳаёти, фаровон турмуши, совет халқига садоқатини ҳикоя қилиб берди.

— Болгар халқининг ютуғи бизнинг ютуғимиз. Биз ҳам ҳамма қувонч ва зафарларимизни улар билан баҳам кўрамиз, — дейди Момо опа Шодмонова «Хасково» ишчиларининг фикр-туйғуларини ифодалаб.

С. МУСАЕВ.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Олий ва ўрта махсус билим юртларида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва билимдон кадрлар етказишда кутубхона фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. КПСС XXV съездида ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек илмий-текшириш ишларида кутубхонанинг ролини янада ошириш ҳақида қиймати фикрлар айтилган эди.

Яқинда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетнинг илмий кутубхонасида «КПСС XXV съезди ва республика олий ва ўрта махсус билим юртлари кутубхоналари олдида турган вазифалар» темасида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференция ишида республикамизнинг турли олий ўқув юртлари ва билим даргоҳларининг олимлари, кутубхоначи-мутахассислари иштирок этишди.

Конференцияда Тошкент Давлат университетининг проректори, филология фанлари доктори, Ш. Шомуҳамедов, илмий кутубхона директори С. Холбоев, Тошкент Давлат алоқа институти кутубхоначиси К. Орлова, Самарқанд Давлат университети кутубхонасининг бўлим мудири Е. Суходолова, республика илмий-техника ахбороти институтининг бўлим мудири У. Крилова ва бошқа ўртоқлар турли мавзуларда доклад қилишди. Улар КПСС XXV съезди қарорлари асосида кутубхоналарнинг ахборот-библиографик фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, ишни илмий асосда ташкил этиш, кутубхоналар фаолиятини ҳар томонлама яхшилашга ёрдам берувчи қимматли фикрларни билдиришди.

В. ДЕВНТОВА.
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети Илмий кутубхонасининг бош библиографи.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

ВАРАКА № 166

✦ УРНАК ОЛСА АРЗИЙДИ. ✦ РЕЙД ВА ТЕКШИРУВЛАР САМАРАЛИ БЎЛСИН. ✦ ТЕЖАЛГАНИ НАҚД БОЙЛИК. ✦ ҚИЛМИШЛАРИГА ЯРАША.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ҚИШЛОВ—ЖИДДИЙ СИНОВ

Ферма ва отарларда масъулиятли дамлар давом этаяпти. Чорвадорлар молларни қишдан яхши олиб чиқиш учун бор куч ва ғайратларини сарф қилмоқдалар. Илғор хўжаликлар чорва қишловига олдиндан пухта ҳозирлик кўрдилар. Кузнинг илиқ-иссиқ кунларидаёқ барча молхоналар тўла ремонтдан чиқарилди, озуқа цехлари тайёрлаб қўйилди, чорвадорлар қишлиқ кийим-бошлар билан таъминланди. Бу йил область бўйича ҳар бош молга 18,7 центнердан озуқа бирлиги тайёрланди. Бу олдинги йилга нисбатан 1,7 центнер кўпдир.

Лекин шунга қарамай ҳали ҳам бир қатор хўжаликларда қишловга етарлича эътибор берилмаётганлиги қишини ажаблантиради. Назоратчилар областимизнинг кўпгина колхоз ва совхозларида бўлиб, чорва қишловига қандай ҳозирлиқ кўрилганлигини текширувдан ўтказдилар. Текширув куни Оҳангарон райони бўйича 350 бошга мўлжалланган молхона, 360 бошга мўлжалланган бузоқхона, бир қатор чўчқахона ва қўйхоналар ремонти тугатилмаганлиги маълум бўлди. С. Раҳимов номли совхознинг «Кўкай» участкасида 400 бошга мўлжалланган иккита бузоқхона бор. Лекин бузоқлар овқатланадиган махсус жой ҳозирланмаган эди. Молхоналарда эса сут совғиш агрегатлари, озуқа тарқатувчи техника яроқсиз турарди.

Бўка районидаги «Коммунизм» ва К. Маркс номли колхозларда чорвачилиқ биноларини ремонт қилишга жуда ҳам кечикиб киришилди. Бузоқхоналар ишлатилмайди. Озуқа тайёрланадиган хоналар тор ва ишлаш учун ноқулай. «Кўкорол» совхозида қўйлар учун махсус жой ҳам қилинмаганлиги назоратчиларни ажаблантирди.

Юқори Чирчиқ районидаги Энгельс номли, «Ленинобод», «Коммуна» ва «Гулистон» колхозларида ускуналарнинг йўқлиги туфайли озуқа цехлари ишламай турибди. Ўрта Чирчиқ райони хўжаликларида қишга етарли даражада озуқа жамғарилмаган.

Область халқ контроли комитетининг навбатдаги мажлисида хўжаликларда чорва қишловининг қандай бораётганлиги жиддий муҳокамадан ўтказилиб, камчиликка йўл қўяётган раҳбарлар жиддий огоҳлантирилди. Қишловни намунали ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди.

МАОШ ФОНДИ СОВРИЛМАСИН

«Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси ва «Промжилводстрой» трестида иқтисодий самарадорлик даражасини ошириш, ҳисоб-китоб ишларини такомиллаштириш, давлат план интизомини мустаҳкамлаш, қурилиш ишларини тезлаштириш ва сифатини яхшилаш бўйича маълум ишлар қилинаяпти. Лекин маош фондини самарали сарфлаш юзасидан партия-ҳукуматимиз белгилаган кўрсатмалар қониқарсиз бажарилаяпти.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси бўйича маош фондидан 88,2 минг сўмлиқ маблағ қўшимча сарф бўлди. «Промжилводстрой» трести бўйича эса ортиқча сарфиёт салкам 57 минг сўмликни ташкил этди. Меҳнатни нотўғри ташкил этиш, иш вақтини бекорга совуриш, у объектдан бу объектга мақсадсиз кўчиш натижасида давлатнинг неча минглаб сўмлиқ маблағи бекорга ҳавога совурилаяпти. Айрим бўлимларда эса аккорд ва аккорд-мукофот системаси ҳам бузилаяпти. Бажарилмаган ишлар учун ҳақ тўлаш ҳоллари юз бермоқда.

«Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармасида меҳнат унумдорлиги ниҳоятда паст. Ўтган ойларда турли хил сабаблар билан 3141 ишчи куни йўқотилди. Натижада 97,1 минг сўмлиқ қурилиш-монтаж ишлари бажарилмай қолди. Маош фондидан самарали фойдаланиш устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги ва молиявий интизомнинг бузилганлиги учун «Ташмелиоводстрой» қурилиш бошқармаси бошлиғи Филиппов ва «Промжилводстрой» трести бошқарувчиси Головинга виговор эълон қилинди. Ҳар иккала қурилиш ташкилоти халқ контроли группасига моддий ва меҳнат ресурслари, қурилиш механизмлари ва машиналаридан фойдаланишни яхшилаш вазифаси топширилди.

ЯНГИ ҲОСИЛ ҚАНДАЙ САҚЛАНЯПТИ?

Область халқ контроли комитети назоратчилари тайёрлов пунктлари ва пахта заводларида янги ҳосилнинг қандай сақланаётганлигини кўздан кечириб чиқдилар. Улар ўнта пахта заводи ва 14 та пахта тайёрлов пунктида бўлиб, ҳосилни намунали сақлаш юзасидан кўрилган қатор тадбирларнинг қандай бажарилаётганлигини текширдилар.

Кўпгина жойларда ҳали ҳам пахта бунтларини текислаш, тозалаш, тунеллар очиш ишлари давом этаяпти. Пискент пахта заводининг Керовчи тайёрлов пунктида олиб борилаётган профилактик ишлар талабга жавоб бермайди. Бунтлар устига ёққан қор ўз вақтида кураб ташланмайди. Натижада қор эриб, бунтнинг ичкарисига шимилади ва пахтанинг қизиш даражаси ортади. Бунинг устига қор ва ёмғир сувлари оқиб кетадиган ариқлар ҳам ҳозирланмаган. Сувлар бунт атрофида ҳалқоб-ҳалқоб бўлиб ётибди. Чиноз пахта заводи тайёрлов пунктлари территорияси ҳам ўз вақтида тозаланмайди. Оққўрғон пахта заводи тайёрлов пунктлари эса лаборатория талабларига риоя қилмаяпти. Бу ерда тунеллар очиш иши ниҳоятда суст бажарилмоқда. Бунинг натижасида ҳосилнинг қизиши тезлашмоқда.

Область халқ контроли комитети бошқа пахта заводлари ишини ҳам муҳокамадан ўтказиб, жавобгар шахсларни жиддий огоҳлантирди. Ҳозир барча корхоналарда деҳқонларимиз пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»ни намунали сақлаш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

ТОМОШАБИНЛАРНИ РАНЖИТМАНГ

Область кинофикация бошқармаси ходимлари аҳолига кино хизмати кўрсатишни яхшилаш юзасидан кейинги йилларда катта ишларни амалга оширдилар. Областимиз шаҳар ва қишлоқларида 14600 ўринли 37 кинотеатр ишга туширилди. Кино тармоқларининг рентабелли ишлаши юзасидан қатор тадбирлар кўрилди.

Лекин шунга қарамай ҳали ҳам жойларда кино хизмати кўрсатиш ўсиб бораётган талабга тўла жавоб бермайди. Айниқса, қишлоқларда кино хизмати кўрсатиш юзасидан ҳали кўпгина ишларни амалга ошириш керак. Қишлоқ аҳолисидан ҳар 10 минг кишига ҳозир 4,6 та кинокурилма тўғри келмоқда. 165та аҳоли пунктида эса кино кўрсатадиган жойнинг ўзи йўқ. Бошқарма шаҳарлар ва айрим район кино дирекциялари ҳисобига планни бажараётган бўлса ҳам лекин умуман қишлоқда кино тармоқларини кенгайтириш юзасидан белгиланган топшириқлар йил сайин бажарилмай келиняпти.

Область халқ контроли комитети кино хизмати кўрсатишни янада яхшилаш юзасидан кинофикация бошқармаси олдига бир қатор конкрет талаблар қўйди. Энг аввало қишлоқ жойларида кино хизматини янада яхшилаш, биноларни сифатли ремонтдан чиқариш, ситиш, санитария ва гигиена қоидаларига тўла риоя қилиш лозимлиги уқтирилди. Айни пайтда фильмлар копиясини техника қоидаларига тўла амал қилган ҳолда авайлаб сақлаш керак. Кино санъати меҳнаткашлар онгида коммунистик дунёқараши шакллантиришини, кишиларга маънавий озуқа беришини унутмаслигимиз лозим.

Областимиз назоратчилари шу кунларда электр, иссиқлик энергияси ва ёнилғи ресурсларидан жойларда қандай фойдаланилаётганлигини оммавий текширувдан ўтказмоқдалар.

Маълумки, қиш мавсумида корхона ва ташкилотларда ёнилғи, энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж бир мунча ошади. Бу ўз навбатида электр энергия ва ёнилғи ресурсларидан фойдаланиш ҳисоб-китобини аниқ олиб боришни талаб этади. Ана шу талабни ҳисобга олиб саноат корхоналари, транспорт, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхоз, коммунал хизмат ташкилотларининг халқ контроли группа ва постлари бу борада тежамкорликка эътиборни янада кучайтиришлари лозим. Бу ресурслардан унумли фойдаланиш шубҳасиз, хўжаликлар, корхоналар ва бошқа ташкилотларнинг халқ хўжалик планлари ва олинган социалистик мажбуриятларини зиёдаси билан адо этишларида муҳим аҳамият касб этади. Халқ контроли группа ва постлари тежамкорлик юзасидан рейд ва текширишлар ўтказишар экан, илғари амалда синалган илғор тажрибалардан кенг фойдаланишлари лозим. Шунингдек, касаба союз, комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда тадбирлар тузиш керак. Текшириш ва рейдларга кенг халқ оммаси шунингдек, мутахассислар жалб этилса, шубҳасиз, бу назоратнинг сифатини яхшилайди, чинакам оммавийликка эришилади.

Бизнинг фикримизча, текшириш ва рейдларда цех, участка, смена, барча ишлаб чиқариш объектларини эксплуатация кадрлари билан қай даражада таъминланганлигига эътибор қилиш зарур. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарфланаётган электр энергия ва ёнилғи техник жиҳатдан асосланган нормага тенг бўлиши кўзда тутилсин. Очиғини айтганда ҳозирда бир қатор корхона ва ташкилотларда маҳсулот бирлигига сарфланаётган электр энергия ва ёнилғи нормативдагига нисбатан кўп бўлмоқда.

Халқ назоратчилари ҳар бир корхона ва ташкилотга борганда ишлаб чиқаришни ўрганишлари мутахассисларнинг билимларига суянишлари ва барча жараёнларни тўла-тўкис текширишлари лозим. Шубҳасиз, айбдорларга нисбатан жазо чораларини кўриш, камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет таклифлар киритиш зарур.

Назоратчилар йил бошида белгиланган ташкилий-техникавий тадбирларнинг бажарилишини батафсил текширишлари керак. Бунда айниқса ана шу тадбир бўйича участка ва технологик жараёнларни кенг масштабда қамраб олинганлиги, ҳар бир тадбирнинг пухта ва аниқ тузилганлиги, бу ишларни бажаришда фан ва техника ютуқларидан қай даражада фойдаланилаётганлиги, ёнилғи, энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича тушаётган рационализаторлик таклифлари ва уларни тезкорлик билан ишлаб чиқаришда жорий этиш доимо эътиборда бўлсин. Шу билан бир қаторда коллективнинг барча аъзолари ана шу тадбирлар ҳақида хабардор қилинганми, ишчи ва хизматчилар уларни амалга оширишда актив иштирок этишаяптими — буларни ҳам суриштириш керак.

Текшириш вақтида ички резервларни қидириб топиш ва исрофгарчиликнинг сабабларини ўрганиш лозим. Бунинг учун эса манбадан истеъмолчигача бўлган жараённи ишдан-игнасигача билиш керак. Худди шу ерда электродвигателлар, электропечлар, электропайвандлар ускуналари, насос ва компрессор станциялари, трансформатор подстанциялари ва бошқаларнинг аҳволи ҳамда ишлаши бўйича аниқ ҳисоб-китобли текширувлар ўтказиш талаб қилинади.

Электр энергия ва ёнилғи ресурсларидан тежамли фойдаланишда фоторелье, статистик конденсатор, автоматик, ярим автоматик ва телемеханик ускуналардан қай даражада фойдаланилаётганлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун уларнинг жойларда бутлиги ва техник жиҳатдан тўлалиги ҳисобга олинсин.

Электр станция ва қозонхоналар ёнилғи ва газни кўп талаб қилувчи объектлардир. Шунинг учун худди шу жойларда ёнилғи ва газдан фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатиш керак.

Кўпгина корхоналарда трубаларнинг изоляцияси сифатли бўлмаганлиги туфайли тежамсизликка йўл қўйилаяпти. Шунингдек, ишлаб чиқариш объектлари, маиший биноларнинг қишга тайёргарлиги суст олиб борилганлиги туфайли ҳам ёнилғи ва электр энергия ресурслари исроф бўлаяпти. Бундай объектлар номини кўплаб санаш мумкин. Бизнинг бундан буёнги вазифамиз рейд ва текширишлар давомида ана шундай камчиликларга қарши курашиш, айбдорларга нисбатан муросасиз бўлишдир. Текшириш ва рейд натижаларини коллективларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш, шунингдек, лозим топилганини шаҳар ва район халқ контроли комитетлари, партия органлари муҳокамасига қўймоқ даркор. Халқ контроли комитетлари эса группа ва постлар ўтказаётган текширишларнинг янада самарали бўлишини таъминлашлари керак.

А. ПУТТИЕВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Консультация

ТЕЖАМКОРЛИК — КОММУНИСТИК ХИСЛАТ

ЯҚИН ЁРДАМЧИЛАР

«Северний маяк» колхози халқ контроли группаси янги йил мўл ҳосилга тайёргарлиқ ва чорва қишлови бўйича бир қатор тадбирлар ишлаб чиққан эди. Шу муносабат билан халқ назоратчилари тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб туришибди. Далачилиқ бўйича оммавий рейдлар ўтказилди. Молларга ем-хашакнинг майдалаб берилиши, давлатга сут топшириш ва унинг ёғлилигини ошириш бўйича текширишлар олиб борилди. Текширув натижалари коллективнинг йиғилишида муҳокама этилди. Бу ишлар чорва маҳсулдорлигининг ошишига таъсир этмоқда.

Хўжалик халқ контроли группасида ҳар бир кампания олдидан тадбирлар ишлаб чиқиш анъанага айланиб қолган. Халқ назоратчилари 1976 йилги ҳосилни тез ва соз йиғиб олиш бўйича тадбирлар ишлаб чиққан эди. Бу тадбирлар район халқ контроли комитетида муҳокама этилиб, илғор тажрибани кенг ёйиш тавсия этилди. Хўжалик аҳли она-Ватан хирмонига 4890 тонна пахта, 9380 тонна канап пояси топширди. Ана шу муваффақиятга эришишда халқ назоратчиларининг актив фаолияти муҳим роль ўйнади. «Зангори кема»ларнинг сменали тўла куч билан ишлаши таъминланди. Нобудгарчиликка қарши курашилди. Шоли ўрим-йиғим даврида ҳам қўшимча постлар ташкил этилди. Ҳосилни нобуд қилмай тез ўриб олишга муваффақ бўлинди. Хўжалик бўйича ҳар гектардан 70 центнердан ҳосил кўтарилди. Бундай муваффақиятга эришишда А. Ким, Д. Юн, Р. Ти каби назоратчилар алоҳида жонбозлик кўрсатишди.

Колхозда 16 та доимий пост ҳам бор. Чорвачилиқ, далачилиқ, маданий-оқартув, иқтисодий масалалар бўйича тузилган секциялар назоратни изчил олиб боришга ёрдам бераяпти.

Назоратчилар меҳнаткашлар хатлари билан ишлашни намунали йўлга қўйишган. Меҳнаткашлардан тушган хатлар оператив суратда текширилади. Халқ контроли группаси олиб бораётган ишлар «Бонг урамиз» ва «Халқ контроли экрани»да ёритиб борилади. Хўжалик халқ контроли группаси барча қилинаётган ишлар билан кенг меҳнаткашлар оммасини таништириб боради. Бу эса назоратнинг ошкоралигини таъминламоқда.

Ж. ҚУРБОНБЕКОВ,
халқ назоратчиси.
Ўрта Чирчиқ райони.



Ўрта Чирчиқ районининг Чиғириқдаги дон қабул қилиш корхонаси коллективи хўжаликларга ҳар йили кўплаб сифатли уруғлиқ етказиб бераяпти. Назоратчилар уруғликка ажратилган дон сифатини алоҳида кўздан кечирмоқдалар. Суратларда: 1. Лаборатория ходими З. Умерова маккажўхори донини анализга тайёрламоқда. 2. Уруғликни тозалаш пайти. 3. Илғор ишчи К. Абдурахмонов донни хўжаликларга жўнатишга тайёрламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

ЭЛ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Районимиз меҳнакашлари ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилида ажойиб меҳнат муваффақиятларига эришмоқдалар. Бу йил давлатга 68 минг тоннага яқин сабзавот ва мева топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30 минг тонна кўпдир. Эришилган ютуқларда халқ назоратчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Шу йилнинг ўтган даври ичида район халқ контроли комитети 80 дан ортиқ рейд ва текширишлар ўтказди.

Рейдларда колхоз ва совхозлар, ташкилотлар ҳамда муассасалар халқ контроли группалари аъзолари актив қатнашдилар. Янгидан-янги резервлар ишга туширилди, юксак самарадорликка эришилди.

Тошкент ГРЭСи халқ контроли группасининг электр энергия ва ёнилғи ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир. Бу ерда ўтган ўн бир ой ичида 2100 минг киловат-соат электр энергия ва 4100 тоннадан зиёд шартли ёнилғи тежаб қолинди.

СоюзНИХИ халқ контроли группаси томонидан ўтказилаётган рейд ва текширишлар натижалари ҳам намунали бўлмоқда. Улар барча соҳаларни эътиборда тутадилар. Перспектив план асосида иш олиб боришади. Яқинда институтнинг марказий омборида текшириш ўтказилди. Назоратчилар бу ерда 60404 сўмлик турли прибор ва ускуналар бир неча йилдан бери фойдаланилмай бекор ётганини аниқлашди. Айбдорларга нисбатан чора кўрилди. Назоратчиларнинг актив ёрдами билан бекор ётган прибор ва ускуналар керакли жойларга юборилди.

Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё станцияси халқ назоратчилари агротехник тадбирларнинг бажарилишини доимо текшириб борадилар. Чунки, бу тажриба станциясида синов пухта бўлса, самара ҳам шунча яхши бўлади. Шу сабабли халқ назоратчилари кўп марта тажриба ишлари сифатини кўриб чиқдилар. Текширувларнинг бир қисми умумий йиғилишда, шунингдек институт партия ташкилоти мажлисида муҳокама этилди. Яна бир қисми район халқ контроли комитетида кўрилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси тажриба ишларини бир қадар мукаммалаштиришга таъсир этди.

Халқ назоратчилари депутатлар комиссиялари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳам рейд ва текширишлар ўтказиб туришади. Бу эса халқ назорати ишининг оммавийлигини таъминламоқда.

Район партия комитети ва бошланғич партия ташкилотлари халқ назоратчиларининг доимо активлик билан ишлашини талаб этмоқда. Камчиликлар ўз вақтида кўрсатилади, шу билан бирга ҳар томонлама ёрдам ҳам бермоқдалар. Кейинги вақтларда партия комитети ва партия бюроларида халқ контроли группаларининг ҳисоботларини эшитиш анъанага айланиб қолди. Утган даврда ишдан ортиқ группаларнинг ҳисоботлари колхоз, совхоз, корхона бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама этилди. Район партия комитети бу йил бешта бошланғич партия ташкилотининг халқ контроли группаларига раҳбарлиги бўйича ҳисоботини тинглади. Бюрода ишдаги камчиликлар кўрсатилди, илғор тажрибаларни оммалаштириш тавсия этилди.

Партия ташкилотлари халқ контроли органларининг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида группа ва постларни ташаббускор, принципиал кишилар билан мустаҳкамламоқда. Районимиз халқ назоратчилари орасида оддий ишчиларни ҳам, колхозчиларни ҳам, олий маълумотли мутахассисларни ҳам кўриш мумкин. Улар ишлаб чиқариш новаторлари, социалистик мусобақа пешқадамлари, коммунистик меҳнат зарбдорларидир.

Шу кунларда районимиз меҳнаткашлари класи йил мўл ҳосили учун тайёргарлик кўришмоқда. Теплица хўжаликларида эса айни пишиқчилик, Сабзавоткорлар қиш фаслида ҳам шаҳарликлар дастурхонини мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари билан таъминламоқдалар. Халқ назоратчилари эса ана шу хайрли ишларнинг намунали даражада адо этилиши учун курашишаяпти. Улар бу ишлари билан районимиз хирмонига кут-баарка киритишмоқда.

А. ТОШМАТОВ,
Оржоникидзе район халқ контроли комитетининг раиси.

ХИРГОЙИ УЗИЛДИ

Омбор мудири Кан уни у ёққа, буни бўёққа олар, қоғозга қандайдир белгилар туширар ва ўзича нималарнидир хиргойи қилар эди. Дарвоқе, хиргойи?! Одатда кишининг кўнгли хуш тортса, шундай қилса керак. Омбор мудирининг нимадан шунча завқ олаётганини билиш қийин эмас. Хиргойига киши билмас, қулоқ солинг-а. Лаблари яна нималар ҳақидадир пичирларди.

Категория деган нарса бор. Бундаям гап кўп. Иккинчисини оласанда, биринчисининг орасига уриб юборасан. Биринг тагида иккинчиси қолиб, аралаш-қуралаш бўлиб кетгандан кейин ким билиб ўтирибди. Харидор келдими, шундай ҳаракат қилиш керакки, ўзини ўнглаб олгунча, хуржунига нима солинганини билмай қолсин. Тош-тарозу эса, энг омадиси. Шу хазинани чиқарганнинг бошидан минг қарра сув айлантириб нисанг арзийди.

Омбор мудири мўлжалдаги режаларнинг йўлини қилиб, яна бир хиргойи билан айланиб чиқди. Энди бўлди, деди шекилли кираверсин давлат, чиқаверсин фалокат, деб «хазина» дарвозасини ланг очиб юборди.

Фрунзе район ошхоналар трестининг машинаси ғув этиб шундоққина дарвоза ёнида тўхтади. Омбор мудири полчинига режадаги товуқларни тарозига ташлади.

— Ортиғиям сизга олинг, — деди у қулоғи тепа ида қистирилган қаламини олар экан ўзича «саҳийлик» билан.

— Ортиғи биланми ёки...

Омбор мудири «ёқимсиз» товуш келган томонга ҳамла қилаётган шердек ўқрайди:

— Ўзлари шу трестданмилар?

— Йўқ, биз халқ назоратчиларимиз. Энди парранда ғўштининг категориясини кўрсак.

— Кўраверинг, осмон узилиб ерга тушибдими.

Назоратчилар омборчи ўйлагандек аноён эмас экан-лар. Дарров оқни-оққа, қорани-қорага ажратиб ташлашди. Қаранг-а, биринчи категория деб тортилган ғўштнинг ўн процента иккинчи категория бўлиб чиқди.

Омборчи пойинтар-сойинтар тузилган ҳисоб-китоблар нима бўлади, деб ўйлади шекилли, ранги оқара бошладди. «Э, атанг юз килограмм ортиқча ғўшт ҳам билиниб қоладиган бўлди-ю», — дедида ич-ичидан зил кетиб хўрсинди.

Чигалнинг бир учи чиқмасин экан. У ёғи ўз-ўзидан секин-аста очиларди. Аммо жуда бир ғаройиб ишлар юз бераётган экан. Лайлактулқадрнинг таёғи тегадимми, сўйишга келтирилаётганда парранда сони кам бўларкан-у, тортилганда «барака» кираркан.

Ахир арғамчига қил қувват, дейишади. Балки номига яраша бу ерда боқилаётган паррандаларнинг насли зўрдир. Қойилмақом қилиб семиртирилаётган бўлса тароз босаётгандирда, дерсиз. Афсус ва минг афсуски бу ёғи ҳам хуржун. Ғўштга сўйилаётган парранданинг оғирлиги норма бўйича 1 кило-ю, 200 грамм бўлиши керак. Боқими «зўр» бўлган шекилли ўртача вазни 930 граммданга тўғри келаяпти.

Гапнинг хуллас каломи шуки, парранда бечоралар-нинг тили йўқ. Бўлмаса бу ердаги ишлардан дод деб юборишарди.

Ғўштбоп парранда фабрикаси дейилгандан сўнг, бу ерда уларнинг наслини яхшилаш билан шуғулланиш лозимлиги ҳеч қимга сир бўлмаса керак. Шу мақсадда озмунча қимматбаҳо асбоб-ускуналар сотиб олиндими. Лекин ҳозирда уларнинг кўпи ишламайди. Негаки, баъзилари аллақачонок бузилган, баъзилари ҳали ишга тушгани йўқ. Техника жонкуяри бўлмагандан кейин асбоб-ускуналар тез ишдан чиқиб, муддатидан аввал темир-терсакка айланиб қолар эдан. Шунинг учун бу ерда овқат чиқити кўп бўлаяпти, аллақачонок машиналар елкасига юкланиши лозим бўлган ишлар қўлда бажарилаяпти. Бу йил 192 киши ишга қабул қилинган бўлса, 200 киши бўшаб кетди. Хуллас, фабрикада бундай ҳангома воқеалар жуда кўп. Фабрикада ойлик топшириқлар бажарилмаяпти, маҳсулот таннархи қимматлашиб кетмоқда. Ҳисоб-китоб ишлари ўлда-жўлда. Кузбўямачилик авжига чиққан. Янгийўл ғўштбоп паррандачилик фабрикаси директори Ўртоқ А. Орифжонов бу воқеаларни билмасмиканлар?! Биладилар. Назоратчилар бу чалкашликларнинг ҳаммасини далиллар билан кўрсатиб беришди. Халқда касални бекитсанг, иситмаси ошкор қилади, дейишади.

Б. ПУЛАТОВ.

З. САХРО ГЎЗАЛИ

БУХОРО—ГАЗЛИ йўли. Ярим йил ичида бу автомагистралдан бир неча марта қатнашга тўғри келди. Дастлабки бор ўша даҳшатли зилзила рўй берган кунларда йўлим тушганди. Магистрал жуда серқатнов бўлиб кетган, машиналар карвонининг охири кўринмасди. Қизилқумнинг қайноқ нафаси кишини лоҳас қилар, афғон шамоли чўлда учраган бор гиёҳ, хас-хашакларни ёрилиб кетган асфальт йўлига олиб чиқиб ташларди...

Ҳозир ўша серқатновлик йўқ. Газлига боргунча автобусимизни уч-тўрттагина енгил ва юк ташийдиган машина қувиб ўтди холос. Йўлдаги шу сокинликнинг ўзиёқ ҳаёт бир маромга тушиб олганидан далолат бераради.

Йўловчиларга, уларнинг суҳбатига эътибор қилсангиз деярли ҳаммалари бир-бири билан таниш эканликларини сезасиз. Кўпчилиги қурувчи ва йўловчилар. Йўловчилардан бирига ёлгиз кетаётган йигит нотаниш кўринди шекилли, ўрнидан турди-да, йигитнинг ёнига келиб ўтирди.

— Йўл бўлсин, дўстим?

— Газлига кетяпман, иш билан Бухорога тушгандим.

— Анчадан бери Газлидамисан?

— Ҳа, шу ердамиз. Қурилишда ишлаяпмиз.

— Қизиқ, нега шу пайтгача бир-биримизни билмас эканмиз-а? Мен ҳам Догистондан келганман...

Ҳа, Газлида бир-бирини яхши танимайдиган одам нам топилади. Уларнинг ҳаммасини — хоҳ газлилик, хоҳ ёрдамга келган қурувчи бўлсин, ягона мақсад—тезроқ зилзила оқибатларини тугатиш мақсади таништирган, дўстлаштирган. Йигирмадан зиёд миллат вакиллари бир оила фарзандларидек янги Газлини бунёд этишяпти.

...Газли. Қадимда уни Гажду —оловли ер деб аташарди. Туя карвонлари бу ердан қўнғироқларини жиринглатиб ўтаётганда чўл бағрида алангаланиб турган гулхани одамлар кўриб ҳайратга тушишар, табиат мўъжизасига ўзларича изоҳ беришарди. Шубҳасиз, улар Қизилқум бағрида битмастуғанмас кон ёширинганлигини хаёлларига ҳам келтиришмаган. Фақат Совет давридагина Газли СССРнинг катта ёнилғи базаси бўлиб қолди.

Ана шу оловли ер бошига оғир кулфат тушди. Газчилар посёлкаси ўзининг йигирма йиллик тўйини нишонлаш арафасида турганди, ўшанда. Албатта, ўтган кунлар тафсилотини тўла келтиришнинг ҳожати йўқ. Бу тўғрида ўз вақтида газеталар, радио ва телевидение хабардор қилган. Лекин табиий офат рўй бергандан сўнг Газлига келган СССР нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министри Б. Е. Шчедрина айтган сўзларни яна бир марта қайтармоқчиман.

— Биз Газли посёлкасини йигирма йил қурган эдик. Офат уни яксон қилди,— деганди у.— Лекин энди икки-уч йил ичида янги Газли шаҳарчасини бунёд қиламиз.

Бу сўзларнинг ҳақиқатга қанчалик яқин эканлигини Газлига келишингиз билан билиб оласиз. Аввалги тўстўполон, ҳаробага айланган уйлар, гишт уюмлари энди йўқ. Улар ўрнида бир қаватли коттежлар, мактаб ва болалар боғчаларининг бинолари қад кўтариб турипти.

Посёлка совети ижроия комитети жойлашган вагончалар олдида яна ўша ёз кунлари эсга тушди. Кун қизигандан қизир, бу ҳам етмагандек тўрт тарафдан ўраб олган қумликлардан иссиқ гармсел эсиб нафасни қайтарар, чанг-тўзон, ошхона мўриларидан чиқаётган рутубатли тутун кўзни ва томоқни ачитарди. Озиқ-овқат магазинида кетма-кет туширилиб турилган лимонад ва минерал сув бутилкалари бир пасда чангга ботар, лекин улар ҳам кўз очиб юмгунча қўлдан-қўлга ўтиб тамом бўларди. Бугун эса манзара тамоман ўзгарган. Янги ошхона ва магазинларга кирсангиз кўнглингиз яйрайди. Пол ва пештахталарда чанг деган нарса йўқ, ёг томса ялагудек.

Ўша иссиқдан сахро ҳам ҳансираб қолган куни посёлка олдига тўртта автобус келиб тўхтади. 200 дан зиёд газлилик ўқувчи иттифоқимизнинг турли лагерларига жўнаб кетишди, эртасига индинига ҳам шундай автобуслар келиб болаларни олиб кетди.

Болаларни кузатгани бутун посёлка аҳли чиққанга ўхшарди. Куни кеча ёрдамга келган қурувчилар адрес ёзилган қоғозларни автобус ойнасидан узатишарди.

— Агар бизнинг тарафга борсангиз менинг ҳам уйимга кириб ўтинг,— дерди Львовдан келган қурувчи.— Ойим, ўғлим жуда хурсанд бўлишади, балиқ тутасиз, мазза қилиб чўмиласиз....

Шунга ўхшаш воқеа Ленинградда ҳам бўлди. Газлилик болалар тушган самолёт қўниши билан уларни мезбонлар ўраб олдилар. Ленинградлик оналар болаларни ўз уйларига таклиф этишар, «бизникида дам олақол, болагинам, сенга шаҳримизни ўзим кўрсатаман», дейишарди. Лекин уларни аллақачон шаҳар ташқарисидаги ўрмонда жойлашган лагерда кутишарди. Буни посёлка комсомол комитетида алоҳида ҳурмат билан гапириб беришди.

...Газлига биринчи қор тушганига ҳам анча бўлди. Лекин қишлик-қировли кунлар бошлангунча ҳамма бошпана билан таъминланди. Йил охиригача қурувчилар 35 минг квадрат метр уйжойни фойдаланишга топширишлари керак эди. Лекин ҳозирдаёқ бу марра эгаллаб бўлинган.

— Бундан ташқари газлиликлар учун Бухорода ҳам уйлар қуриляпти,— деди посёлка советининг масъул секретари В. А. Колодкина.— Ҳозир ҳаммамиз янги уйларда яшаяпмиз.

Валентина Александровна билан қурилиш объектларини айландик. «Мана бу ердан катта магистрал кўча ўтади,— тушунтириб борарди у. Йўл-йўлакай.— Бу ерда эса катта маданият саройи қад кўтаради». Чўлнинг изғирин шамоли этни жунжиктирар, лекин Колодкина совуқни писанд ҳам қилмай ҳамон завқ билан гапирарди.

— Бизда асосан ёшлар меҳнат қилишяпти. Ёшлар бор жойда эса тўй-тантана бор. Ярим йилнинг ўзида юздан зиёд йигит қиз бахтли турмуш қуришди. Догистонлик йигит ўзбек қизига, қозоқ йигити рус қизига уйланди. Уларни палаткада рўйхатдан ўтказяпмиз. Албатта, бу вақтинчалик. Хув, анави ерда бахт уйимиз қад кўтаради.

Кўчалар ҳозирча рақамлар билан юритиляпти. Аммо тез орада уларга ном берилади. Масалан, марказий кўчалардан бири Тошкентдан ёрдамга келган студент қурилиш отрядлари шарафига «Студенческая» деб аталади. Яна бирига «Болгарская» (болгар дўстларимиз ҳам ёрдамга келишган) деб ном берилади. Бошқа бир кўчага эса Кримов номи берилади.

Кримов Николай... 17 май тонги газлиликлар хотирасига қаттиқ ўрнашиб қолди. Ўша куни Коля сменада эди. Ер безовталаниб узоқ силкиниб турди. «Газлинефтегаз» бошқармасининг бош ишлаб чиқаришдаги компрессор станциясида учта панель девор қулаб тушди. Николай ва унинг яна уч ҳамкасб дўсти компрессорларни тўхтатишга улгуришди-ю... Улар ўзларининг хизмат постларида ҳалок бўлишди.

...Битай деб қолган иморат олдида. 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бригада бошлиқларидан бири билан танишдик. Касби электр пайвандчи бўлган Валерий Пихненко комплекс бригадага бошчилик қилар экан. Посёлкадаги қозонхона, саноат базасини унинг бригадаси қисқа муддатда тўла ремонтдан чиқарган.

— Мана бу бинони ҳам қисқа муддатда болгар дўстларимиз билан бирга қурдик. Эрта-индин фойдаланишга топширамиз.— У сўзини тугатар экан, ичкарига таклиф қилди.

— Совуқда турмайлик, бу ернинг изғирини чақиб оламан дейди.— Валерий чўл тарафга бир қараб олди-да, кейин яна давом этди.— Лекин биз ўрганиб кетдик. Йигитларимиз энди ёзнинг жазирама иссиғи-ю, қишнинг аямажизини ҳам писанд қилишмайди. Тўғри, аввалига гармселда бироз қийналдик. Ўрама шамол, қуюнлар довдиратиб қўйганди. Аммо биз ўрганиб кетдик. Газлини қуриш учун ҳаммасига қўникишимиз, ҳаммасига рози бўлишимиз керак эди.

Чиндан ҳам оловкорлар шаҳарчаси ўз-ўзидан қад ростлаётгани йўқ. Аммо бу ҳайрли ишда қатнашиш орзусидагилар ҳамон рухсат сўраб мактуб йўллашмоқда.

«Ҳурматли штаб бошлиғи ўртоқ Кочнев! Биз Горькийда яшаймиз. Ўзим медицина ҳамширасиман. Турмуш ўртоғим Анатолий эса қурувчи. Газлида юз берган офатдан сўнг сизга ёрдам беришга ошиқмоқдамиз. Керак бўлса мен ҳам касбимни ўзгартириб бўёқчилик қилишим мумкин. Салом билан Нина Сметанина».

Шу мазмундаги мактубни «Н» қисм солдатлари Нечаев, Нагуманов, Соновой, Евтушенко ва бошқалар йўллашган. Бундай хатлар анчагина, бир қисми область партия комитетида, иккинчи қисми посёлка советида сақланмоқда. Баъзи сабри чидамаганлар эса хат ҳам ёзиб ўтирмай ўз ҳисобларидан узоқ йўл босиб Газлига келишмоқда. Ўша куни икки йигит посёлка комсомол комитетига кириб келишди.

— Биз Қозоғистонданмиз, билим юртини битириб шу ерга келавердик.

Комсомол комитетининг секретари Александра Маҳорт уларни қаерга ишга жойлаштириш тўғрисида бош қотириб турганди. «Газлинефтегаз» бошқармаси комсомол ташкилотининг секретари А. Ҳасанов сўз қотди:

— Жуда яхши, йигитлар бизга бораҳолинг. Бўш ўринлар бор. Бирга ишлашамиз, ҳаммаси жойида бўлади.

Комсомол комитети секретарининг иши бошидан ошиб ётипти. Ҳар хил тадбирлар ўтказиш, марказга югуриш, ҳисобот тайёрлаш керак.

— Биласизми, иш қанчалик кўп бўлса ҳам нолимайман,— дейди Александра.— Ёшларимиз жуда ажойиб. Улар билан ҳар қандай ишни амалга ошириш мумкин.

Газлилик ёшлар фақат яхши ишлабгина қолмай, бўш вақтларини ҳам қувноқ ўтказишмоқда. Байрамларни бирга нишонлаш, тантанали кечалар, «Огонёк»лар ўтказиш одат тусига кириб бормоқда. Албатта, ҳозирча улар посёлканинг ўртасидаги кафе залида тўпланишмоқда. Лекин орадан кўп ўтмай ўзларининг маданият саройларига эга бўлишлари шубҳасиз.

...Газли илгари ўзининг зангори олови билан донг таратганди. Энди эса у жасорати билан машҳур бўлиб кетди. Келажакда оловкорлар шаҳри ўзининг мафтункор ҳусни билан ҳам ном таратади. У қурилмоқда, асрий қумликлар ўртасида қад кўтармоқда. Сахро гўзали даврлар оша совет халқининг бузилмас дўстлиги, матонати ва олий-ҳимматининг тимсоли бўлиб қолади.

А. АБДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.
Бухоро—Газли.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

ВЬЕТНАМ МЕҲНАТКАШЛАР ПАРТИЯСИНИНГ IV СЪЕЗДИДА

ХАНОЙ. (ТАСС). Бу ерда Вьетнам меҳнаткашлар партиясининг IV съезди ўз ишини давом эттирмоқда.

Съезд делегатлари партиянинг сиёсий йўлини, социалистик қурилишга қаратилган йўлини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини билдирмоқдалар, Вьетнам меҳнаткашлар партияси марксизм-ленинизмнинг музаффар ғояларига, пролетар интернационализми принципларига содиқ эканлигини изҳор қилмоқдалар.

Делегатлар ва меҳмонлар 15 декабрда КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловни самимий табриклашдилар. М. А. Суслов съездда нутқ сўзлади. М. А. Суслов КПСС, унинг Марказий Комитети номидан ва Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев номидан, бутун совет халқи номидан Вьетнам коммунистларининг съездига энг эзгу истакларини топширди. Съезд делегатлари ва меҳмонлари бу истакларни давомли гулдурос қарсаклар билан кутиб олдилар.

ПЛЕНУМ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

РИМ. 15 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Италия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Марказий контроль комиссиясининг пленуми ўз ишини тамомлади. ИКП раҳбарлигининг аъзоси Ж. Черветти «Партиянинг фаолияти ва ривожланиши ҳамда область партия конференцияларини чақириш масалалари» мавзуида доклад қилди. У Италияни кескин танглик қамраб олган бир шароитда давлатнинг нажоти ва уни янгилаш учун бутун миллатнинг куч-ғайрат сарфлаши лозимлигини таъкидлади. Коммунистлар, деди Ж. Черветти, биринчи сафларда бўлиш ҳамда барча сўл ва демократик партиялар ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлган шу қурашда энг асосий роль ўйнаш ниятидадирлар.

Докладчи ИКПнинг вазифаси Италияга барча халқ ва демократик кучлар ўртасидаги иноқликка асосланган сиёсий раҳбарликни таъминлашдан иборат эканлигини уқтириб ўтди.

ЛИВАНДАГИ ВАЗИЯТ

БАЙРУТ. 15 декабрь. (ТАСС). Ливан президенти И. Саркис мамлакатдаги вазиятни бундан буён ҳам нормаллаштириш масаласи муҳокама қилинган тўрт томонлама комитет мажлисида нутқ сўзлаб, шу соҳада ҳозиргача амалга оширилган тадбирлар сезиларли натижалар берганлигини айтди. У араб мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг қўҳира кенгашида қабул қилинган ҳамма қоидалар вақти келиб бажарилади, деб ишонч билдирди.

«Ал-Муҳаррир» газетасининг маълумотларига кўра, тўрт араб давлати — Сурия, Миср, Саудия Арабистони ва Кувайт вакилларининг ана шу мажлисида яқин 1 ой ичида Ливанда тинчликни сақловчи араб мамлакатлари хавфсизлик кучларининг ва Ливан вакилларининг назорати остида низолашувчи томонлар қўлида бўлган оғир қуроллари тортиб олиш ҳақидаги битимга эришилган эди. Ана шу муддат ўтгач, оғир қуролни сақлаш қонунга хилоф деб ҳисобланади.

Бу ерда миллий-ватанпарвар кучлар сиёсий кенгашининг мажлиси бўлди, бу мажлисда мамлакатдаги аҳвол муҳокама қилинди. Матбуотнинг хабар беришича, мажлис қатнашчилари тараққийпарвар доиралар мамлакатдаги вазиятни нормаллаштириш жараёнини бузаётган ўнг христиан бўлинмаларнинг иғвогарлик ҳуружларидан ташвишланаётганликларини араб мамлакатлари хавфсизлик кучлари қўмондони генерал Ал-Хажга етказиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«ДЕҲҚОНЛАР ҲАФТАСИ»

ИСЛОМОБОД. 16 декабрь. (ТАСС мухбири). Покистонда «Деҳқонлар ҳафтаси» бошланди. Шу ҳафта ичида мамлакатда жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қишлоқ аҳолисининг талаб-эҳтиёжларига, умуман қишлоқ хўжалигини ривожлантириш проблемаларига жалб этиш мақсадида семинар ва конференциялар ўтказилади, ярмаркалар очилади ва спорт мусобақалари ташкил қилинади.

Покистон ўзининг иқтисодий структураси жиҳатидан аграр мамлакатдир: аҳолининг қарийб 75 процени қишлоқларда яшайди. Кейинги йилларда мамлакат қишлоқ хўжалиги соҳасида муайян ютуқларга эришди. Ер ислоҳоти ўтказилмоқда. Шунга мувофиқ 12,5 акрдан кам ер участкасига эга бўлган деҳқонлар солиқ тўлашдан озод қилинади. Ҳар бир оила аъзоси ҳисобига помешчикларнинг ери суғориладиган 150 акрдан (1 акр —0,4 гектарга баравар) ва суғорилмайдиган 300 акрдан ошмаслиги керак. Шундан ортиқча ерлар мусодара қилинади ва деҳқонларга текин тақсимлаб берилади. Ҳозиргача 3,2 миллион акр ер мусодара қилинди. Бу эса барча экин майдонларининг 6,7 процентини ташкил қилади. Бу ерлар 130 минг камбағал деҳқон оиласига тақсимлаб берилди.

Г. БАЙКОВ.

Софиядаги электрокара ва мотокаралар институтида электромобилларнинг энг такомиллашган хиллари яратилмоқда. Улар бир, бир ярим, икки ва икки ярим тоннагача юкни бемалол ташиб олади. Суратда: ЭЛМО-1000 маркали электромобилни кўриб турибсиз. У Пловдив шаҳрида ўтказилган XXIII Халқаро ярмарканинг олтин медалига сазовор бўлган.

БТА—ТАСС фотоси.

ДОИМО СЕРГАК

Район ички ишлар бўлимида телефон жиринглаб қолди. Участка инспектори Ўктам Қулматов трубкани кўтарди.

— Милиция младший лейтенанти Қулматов эшитади.

— Ўртоқ Қулматов,—деган овоз келди трубкадан.—Сиз билан навбатчи гапиришмоқда. «Октябрь 50 йиллиги» колхозида оғир жиноят содир бўлган. Рўй берган воқеани аниқлаш ва жиноятчини топиш учун оператив группа билан етиб келишингиз керак.

Орадан кўп вақт ўтмай Ўктам Қулматов оператив группа билан воқеа содир бўлган ерга етиб келди.

...Сожида исмли аёл Сирдарё бўйида ўзининг турмуш ўртоғи ва Александр деган шахс билан улфатчилик қилган. Кайфи ошиб қолган Саша Сожиданинг миясига темир парчаси билан яхшилаб туширади-ю, бошқа оқкан томонга жуфтакни ростлаб қолади.

Жиноятчининг қаёққа кетгани номаълум эди. Оператив группа район территориясида қидирув ўтказганда ҳам ҳеч қандай натижа чиқмади.

...«Жигули» енгил автомашинаси шаҳар кўчаларида елдек учиб бормоқда. Участка инспектори уйқусизликдан қизарган кўзларини атрофга қадаганича ҳаёл суриб кетаяпти. Шу пайт у йўл чеккасида кетаётган бир кишини кўриб қолди. Унинг ташқи кўриниши гувоҳлар жиноятчи тўғрисида айтган белгилар билан мос тушадигандек туюлди. Машинани тўхтатиб, бояги кишига яқинлашди. Бундай пайтда жиноят қидирув ходими ниҳоятда хушёр ва эҳтиёт бўлиши керак. Аксинча ўзи билмаган ҳолда бутунлай айбсиз кишини бекорга хафа қилиб қўйиши мумкин.

— Кечирасиз, гражданин, сизга бир нечта савол бор эди.

Ўктамнинг ички сезгиси уни алдамаганди. Милиция формасидаги кишини кўрган йўловчининг ранги ўчиб, қалтирай бошлади.

Участка инспектори жиноятчи узоққа кета олмаганлигини сезиб турарди. Хабибулин тезда бўлимга олиб келинди. У Сирдарё бўйида қилган жиноятини тан олди.

Тинчлик посбони бўлиш ҳаваси Ўктамда 2-«Далварзин» совхозида комсомол ташкилотининг секретари вазифасида ишлаётганлигидаёқ уйғонган эди. Ўша пайтларда у жамоатчи халқ дружиначилари ташкил қилган, ўзи ҳам бу муҳим ишда актив иштирок этарди. Дилдаги орзуни район комсомол комитетида айтганида уни қўллаб-қувватлашди. Мана беш йилдирки, Ўктам шу соҳада ишлаб келаяпти. Бу борада Тошкентдаги СССР Ички ишлар Министрлигига қарашли ўрта махсус милиция мактабига ўқишга кирди. Ҳозир шу мактабнинг учинчи курсида сиртдан таҳсил кўрмоқда.

Ўктамни 2-«Далварзин» совхози, Дзержинский ва Ленин номли колхозларда катта-ю кичик жуда яхши билади. Ёш бўлсада, кўпчиликнинг ҳурматини қозонган бу йигит халқ осойишталигини сергаклик билан қўриқламоқда.

Э. ИСМОИЛОВ,
Бекобод райони.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯМ

ХУШХАБАРЛАР

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» бирлашмаси бош заводининг уччала механика-йиғув цехи реконструкция қилиб бўлинди. 200 тадан ортиқ ускуна янгича жойлаштирилди. Шунинг натижасида сеялкаларни, тўкилган пахтани териш машиналарини, кўсак чувиш машиналарини, гербицид солиш мосламаларини йиғадиган ихтисослаштирилган участкалар ташкил этиш мумкин бўлди. Реконструкция ишлаб чиқариш маромини оширишга, машиналар сифатини яхшилашга ёрдам беради.

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери Маннап Рашидович Мирсоатов «заводнинг энг яхши рационализатори» деган номга сазовор бўлди. У йигирма йиллик иш давомида давлатнинг чорак миллион сўмини тежаб қолган юзлаб таклифлар киритди.

ЧИРЧИҚ ХИМИКЛАРИНИНГ маданият саройида очилган лекторий «Кино ва замон» деб аталди. Дастлабки машғулотлар комедия фильмларини яратган таниқли совет кинематографчиларига бағишланди. Лекторий планига мувофиқ тематик кино кечалари ва лекциялар, севикли актёрлар, режиссёрлар билан учрашувлар ўтказилади.

КСИЛИТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИГАН мамлакатдаги энг катта цех ишга туширилиш арафасида турибди. Янгийўл биохимия заводида янги цехнинг асбобускуналари монтаж қилиниб бўлди. Ксилит—қанд диабети дардига чалинган кишилар учун кондитер маҳсулотлар, мева консервалари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда керак бўладиган ширин моддадир. Цехга автомат центрифугалар, кучли насослар ва бошқа машина-механизмлар ўрнатилди. Бу ерда ҳар йили чигит шелухасидан 1500 тонна ксилит ишлаб чиқариладиган бўлади.

[ЎзТАГ].

ТОҒДАН КЕЛГАН СУВ ҚУВУРЛАРИ

ҚУРАМА тоғи этагидаги Тўғаноқсой чашмасидан бошланадиган пўлат қувурдан Тошкент областидаги Серго номли совхоз яйловларига сув келди. Ўзбекистон яйлов мелиорация-қурилиш бирлашмасига қарашли механизациялашган кўчма колонна гидромеханизаторлари 5 минг гектар серҳосил пичанзорни суғоришни таъминлайдиган магистрални қуриб битказдилар.

Бирлашма мелиораторлари йил бошидан бери Ўзбекистон колхозлари ва совхозлари яйловларини суғориш учун жами 120 километрдан зиёд пўлат қувур ариғи қуриб бердилар.

(ЎзТАГ).

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ «ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ «ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

158-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1976—1977 ЎҚУВ ЙИЛИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ИШЧИЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: СУВОҚЧИЛАР, ПАРКЕТЧИЛАР, ПАРДОЗЛОВЧИ-ПЛИТАЧИЛАР (ўқиш муддати — 1 йил), **пардозловчи-плита-мозаикачилар, қурилиш дурадгорлари** (2 йил), **бўёқчилар** (1—2 йил), **дурадгорлар, суворчилар** (6 ой).

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЎЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН 15 ВА УНДАН КАТТА ЕШДАГИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртида ўқиш даври иш стажига ҳисобланади.

ЎҚИШ ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга қабул қилинганлар шаҳар прописаси билан таъминланадилар ва уч маҳал бепул овқат, формали ва махсус иш кийимлари билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар 33 процент иш ҳақи оладилар.

Область ва районлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишни тугатганлар техникум ва институтларга кираётганда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш керак: директор номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги ҳужжат, турар жойидан справка, соғлиги ҳақида справка, характеристика, ҳарбий билет ёки рўйхатда турганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, 6 дона 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь район, «Халқлар дўстлиги» проспекти, Қибрай проезди, 54-уй, (14, 13, 11, 38, 48, 68, 70, 71-автобуслар, 2, 6, 7, 14-троллейбусларнинг «Биринчи туғруқхона» бекати).

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10— Эрталабки гимнастика. 10.30— **Само қалдирғочлари** (1—2-сериялар). 12.40 — Миллионлар ленинча университети. 15.30— Кинопрограмма. 16.20 — Рус тили. 17.05 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 18.00 — Жиллолар. 18.30 — Москва ва москвалиқлар. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — **Хоккей:** «ВИННИПЕГ ДЖЕТС» (Канада) — ШВЕЦИЯ. 21.15 — Концерт. 22.00— **«Вақт».** 22.30 — **Бизнинг биография. 1923 йил».** 23.30 — Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ. 00.40 — **Хоккей:** СССР — ФИНЛЯНДИЯ. 3-бўлим.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильмлар. 12.30— Биология. 13.00 — Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги. 13.20 — **Қилич ва қалқон** (бадиий фильм, 3-серия). 18.30 — «Ватанпарвар». 19.10—Ҳамма нарса — болаларга. 19.25— Турмуш ва маданият (тележурнал). 19.50 — **«Ахборот».** 20.05 — Оламга саёҳат. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Шоли — бизнинг бойлигимиз. 21.30 — Концерт. 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — **Коммунист** (бадиий фильм).

18|XII да **Парвона**, 19|XII да **Пўртана.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17|XII да **Ҳижрон**, 18|XII да **Гулбаҳор қизи** (12.00), **Муқаддас диёр** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 17, 21|XII да **Ишқ қурбонлари.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 17|XII да (19.30), 18|XII да (15.00, 19.30) **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль КИО** раҳбарлигидаги **йирик иллюзион ревюнинг ҳайрлашув гастроллари.**

Кино

Масалан, Йозеф, — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Халқ романи — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Парм ибодатхонаси — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (14, 17, 20.00).

Очиқ ўзликка қарши маҳоратлик (11, 14, 17, 20.00). **О, бахтли инсон!** (12, 15, 18, 21.00) — «ҚОЗОҒИСТОН».

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17|XII да **Чио-Чио-Сан**, 18|XII **Испан миниатюралари**, 19|XII да **Доктор Айболит** (кундузи), **Травиата** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17|XII да **Уйланиш.**

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА
18 ВА 19 ДЕКАБРЬ СОАТ 17.00 да СССР биринчилиги учун «А» классининг биринчи группасидаги «ДИЗЕЛИСТ» (Пенза) — **«БИНОКОР»** (Тошкент) **командалари ўртасида**

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

Спорт

КЕЧА МОСКВАДА

Мамлакатимиз пойтахтида яна катта хоккей ўйинлари бошланди. Кўпи кеча В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг муз саройида «Известия» газетаси совринлари учун халқаро мусобақалари старт олди.

Бу турнир ўнинчи марта ўтказилаяпти. Айтиш керакки, ҳар йили Москвада ўтказиб келинаётган бу мусобақалар ўзининг миқёси жиҳатдан жаҳон чемпионатларидан қолишмайди. Унда энг кучли хоккей командалари СССР ва Чехословакия, Швеция ва Финляндия, Канада хоккей усталари ўзаро куч синашадилар.

Кеча майдонга биринчи бўлиб Чехословакия ва Канада хоккейчилари чиқишди. Бу матчдан сўнг эса СССР ва Швеция командалари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

БАСКЕТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

Баскетбол бўйича биринчи лига командалари ўртасидаги мамлакат чемпионатининг навбатдаги учрашувини Тошкент Давлат университети баскетболчилари Душанбе шаҳрида ўтказдилар. Кескин курашда ҳамшаҳарларимиз маҳаллий «Тожикистон» командасини 92:90 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Кеча шу икки команда ўртасида иккинчи учрашув ҳам бўлиб ўтди.

Эртага эса Тошкент шаҳрида баскетбол бўйича яна бир қизиқарли турнир бошланади. «Ёшлик» спорт аренасида олий лига аёллар коллективлари ўртасида мамлакат чемпионатининг иккинчи тур ўйинларига старт берилади.

Шаҳримизга мамлакатнинг энг кучли 13 та командаси таширф буюрди. Уларнинг составида XX олимпия ўйинлари чемпионлари У. Семенова, (ТТТ, Рига), Т. Захарова, О. Сухарнова («Спартак», Москва области) ва бошқалар бор.

Маълумки, чемпионатнинг биринчи тури Электросталь шаҳрида ўтган, унда Тошкент физкультура институти баскетболчилари беш ўйиндан биттасидагина галаба қилган эдилар. Ҳамшаҳарларимиз ўз майдонларида ТТТ (Рига), ЦСКА ва бошқа кучли командалар билан учрашадилар. Лекин улар турнир жадвалидаги мавқеларини мустаҳкамлаб, мухлисларни хушнуд этадилар, деб ишонамиз.

МАВСУМ ОЧИЛДИ

Республикамиз тоғ чанғичилари янги мавсумни бошладилар. Катта Чимён ён-бағрларида мавсум очилишига бағишланган қизиқарли мусобақалар бўлиб ўтди.

Кескин мусобақада тошкентлик спортчилар С. Мятишкин ва Г. Березинлар ғолиб чиқишди. Мусобақаларда республика пойтахти вакилларидан ташқари областимизнинг Ангрен, Чирчиқ, Ғазалкент, Янгиобод шаҳарлари ва Чимён посёлкаси тоғ чанғичилари ҳам иштирок этишди.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—01772. Узбекистон Компартияси нинг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. В. 2689.